O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 15-aprel, 2009-yil • №17 (621) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

ДОВОН ОШИШ ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТИ

Кино асарларнинг адабий пойдевори, ёзилиши, суратга олиниш жараёни, ниҳоят экрандаги умри узоқ ёки қисқа бўлиши сабабларини ўрганиш, тадқиқ қилиш зарур. Бунинг учун ранг-баранг фильмлар, ижодий жараён тадқиқ объекти бўлиши мумкин.

⇨ 6-бет

АДИБНИНГ ИБРАТЛИ УМРИ

Қатағон йиллари... Чўлпон ва Усмон Носирнинг аянчли қисмати-ю, Абдулла Қодирийнинг сўнгсиз армонлари... бугун оқсоч тарих сўзлаётган ғамгин ҳикояга ўхшайди. Ўша пайтлар Ҳамид Ғуломнинг номига ҳам турли туҳмату бўҳтонлар ёғдирилган, аммо адибнинг иродасини буколмаган эди.

⇨ 7-бет

СТАДИОН



Футбол нафақат ғуруримизни, балки Ватанга муҳаббатимизни ҳам юксалтиради. Сабаби — сиз ўз юртингизнинг жамоасига хайрихоҳлик қиласиз. Бундан ташқари, ўзбекона меҳр-оқибатимизни ҳам сайқаллаштириб боради.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этди.

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ўқув-семинар машғулотлари ўтказилди.**

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида одил судловни амалга оширишда тарафлар тенг ҳуқуқлигини таъминлашнинг назарий-амалий муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда мазкур марказ директори А.Ғафуров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов, Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Ж.Ҳайдаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

ТИББИЁТ

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЖОНКУЯРЛАРИ

Илгари хорижий юртларда "оила шифокори" мавжуд эканлигини эшитардик. Қандай қилиб битта шифокор бир оилага хизмат қилиши мумкин, деган хаёлга борардик. Кейинги йилларда республикамиз соғлиқни сақлаш тизимида изчил амалга оширилган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, юртимизда ҳам оилавий поликлиникалар ташкил этилгач, оилавий шифокорлар аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Ҳақиқатан бир оиланинг барча аъзоларини ягона шифокорнинг назорат қилиши ва зарур бўлганда бошқа мутахассислар қабулига йўлланма бериши анча самарали эканлиги тажрибада маълум бўлди.

Халқ саломатлигини мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказишда Тошкент шаҳридаги 8-оилавий поликлиника жамоаси ҳам самарали меҳнат қилмоқда.

Шифо масканининг замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлангани ва бу ерда малакали шифокорларнинг фаолият кўрсатаётгани аҳоли саломатлигини таъминлашда, айниқса, келажагимиз ворисларини тарбияловчи оналар соғлигини мунтазам равишда назорат қилиб туришда муҳим омил бўлаяпти.

СУРАТДА: тажрибали шифокор Барно ТОЛИПОВА.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

ТАНЛОВ

«ОЛТИН ҚАЛАМ» ЖУРНАЛИСТЛАР ФАОЛИЯТИДА

маҳорат ва изланиш мактабига айланмоқда

Яқинда Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Олтин қалам» IV Миллий мукофоти учун халқаро танлов қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур нуфузли халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Танловга оммавий ахборот воситалари жамоалари, ижодий уюшмалар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг матбуот хизматлари, шунингдек, мустақил журналистлардан материалларни қабул қилиш якунловчи босқичга кирганлиги қайд этилди. "Халқ сўзи" ва "Народние слово" газеталари бош муҳаррири Ўткир Раҳматов бошчилигида тузилган нуфузли ҳайъат аъзолари жамиятда кечаётган ислоҳотларни ҳозиржавоблик билан ёритаётган иқтидорли журналистлар ичидан энг муносибларини танлаб олиш, барча ижодий ишларни қунт билан ўрганишга асосий эътиборни қаратмоқда. Бу йил танловга қатнашган ижодкорлар сони 350 дан зиёд, ижодий ишларнинг миқдори эса 5 мингга яқин эканлиги ҳам танловнинг ўрни йилдан-йилга кенгайиб, нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси билан мамлакатимизда миллий ва халқаро журналистиканинг юксак ютуқларини оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ва албатта, ижод аҳлини ҳар томонлама муносиб қўллаб-қувватлаш, юксак даражада рағбатлантириш мақсадида «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлови ўтказилаётгани маданий ва маънавий ҳаётимизда катта воқеадир. Ушбу тадбир нафақат юртимиздаги ОАВ ходимларида, балки хориж мамлакатларининг журналистларида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани эътиборлидир.

(Давоми 4-бетда.)

ҚАДРИЯТ

ОИЛА – МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

бу анъаналаримиз ва миллий урф-одатларимизда ҳам акс этган

... Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Ислом КАРИМОВ

Ҳаётнинг ўзи энг доно муаллим, дейди кўпни кўрган устозлар, нуроний отахон ва онахонларимиз. Дарҳақиқат, шундай оилалар бўладики, бир умр уларга, уларнинг тутумлари, оилавий анъаналари, фарзанд тарбияси борасидаги қарашларига таяниб, уларга ҳавас билан интилиб яшайсан, яна шундай оилалар бўладики, минбаад уларга ўхшамасликка интиласан. Хўш, бизни биринчи оилага боғлаган, ўша оилада биз топган нарса нима? Ёйинки, биз иккинчи оиладан тополмаган нарсачи? Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, биринчи оилада биз шарқона одобни, ахлоқни, меҳр-муҳаббатни, ҳурмат-эъзозни, оқибатни, ибою-ҳаёни, бир сўз билан айтганда юксак маънавиятни кўрганмиз. Иккинчи оилада эса... унда биз меҳрсизлик, ахлоқсизлик, тубанлик, худбинлик, нафс, ҳаёсизлик, жоҳиллик, маънавиятсизликни учратганмиз.

Инсон агар эзгу ғоялар асосида тарбия топаётган бўлса у ҳамиша зулматдан қочиб ёруғликка интилади. Ҳар қандай давлатни, жамиятни ўзидан нур таратадиган, ҳам ана шундай нурга, ёруғликка интиладиган шахслардан топган оилалар, бундай оилаларда камол топган инсонлар таянч устуни бўлиб ушлаб туради. Халқ ва миллатнинг маънавияти, ахлоқи, эзгу анъаналари, қўйингки унинг бор миллий бойлиги бўлган маънавий бисоти ана шундай қалбларда макон топиб, тадқиқ этилиб, сайқалланиб, бойитилиб бошқа қалбларга, авлодларга ўтади.

"Юксак маънавият — енгилмас куч", бу китоб номининг ўзи бизни маънавият ҳақида чуқурроқ ва янада кенгроқ ўйлашга ундайди. Зеро, юксак маънавият — ҳар қандай давлат ва жамиятни тутиб турадиган мустаҳкам пойдевордир. Шундай замини бор бўлган, унга суянган жамиятнинггина истиқболи бор.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини доимий равишда мустаҳкамлаб бориш, миллий қадриятларимиз, эзгу анъаналаримизни асраб-авайлаш, ҳар биримизнинг бурчимиз.

3 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ БАЁНОТИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши ўзининг навбатдаги йиғилишида Корея Халқ Демократик Республикасининг баллистик ракета учиришини бир овоздан қоралади ва махсус қарор қабул қилди. Бу ҳақда France-Presse хабар тарқатди.

ХК баёнотида айтилишича, "Ынха-2" ракетаси ёрдамида «Кванменсон-2» сунъий йўлдошини учириш билан Пхеньян БМТнинг 1718 резолюциясини қўпол равишда бузган. Ушбу резолюцияда Шимолий Кореянинг ҳар қандай баллистик ракета учириш борасидаги фаолияти тақиқланган. Баёнотда, шунингдек, ракета синовлари яна давом этадиган бўлса, КХДРнинг кўплаб корхоналарига нисбатан санкция қўллаш ва бу корхоналарнинг хориждаги ҳисоб рақамлари музлатиб қўйилиши айтилган. Муҳокама чоғида Япония вакили Хавфсизлик Кенгашидан жиддий чоралар кўришни талаб қилди. Унинг таъкидлашича, бу ракета Кунчиқар мамлакат хавфсизлигига таҳдиддир. Аммо бунга Россия ва Хитой қарши чиқди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ТУЙҒУ

Умид баҳори

Атрофга назар ташланг: осмон мусаффо, далалар уйғоқ, боғлар гулга бурканган, қир-адирлар ям-яшил, тоғларга туташ анҳорларда сув шарқирайди. Жаннат қуши — қалдирғоч тинимсиз сайраб, қут-барака мавсуми бошланганидан дарак бермоқда. Халқимизнинг бахти шундаки, Ўзбекистон дея аталмиш юртимизнинг бундай мафтункорлиги ҳар биримизда фахр-ифтихор ҳиссини уйғотиш билан бирга ҳар бир юртдошимизга яратувчилик ва бунёдкорлик ишларида куч-ғайрат бағишлайди.

Ишончим комил, бугун қишлоқда бўлган ҳар қандай инсон беқиёс ўзгаришларни ўз кўзи билан кўради. Қишлоқ тараққий этсагина юрт обод бўлади. Буни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Четдан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиб келиш билан халқни тўйдириб бўлмайди. Давлат ҳам оилага ўхшайди. Ўз аравасини ўзи тортолмаган давлат ўзгаларга қарам бўлиб қолиши мумкин. Буни жаҳон тажрибасида кўриб турибмиз. Худога шукр, халқимиз ҳар қандай яратувчанликка қодир. Шу боис ҳеч нарсага зор эмас. Бозорларимизда мўл-кўлчилик, хонадонларимизда файз-у, барака.

Хабарингиз бор, ҳозир жаҳонда юз бераётган иқтисодий инқироз бели бақувват давлатларни ҳам довдиратиб қўймоқда. Ҳатто тараққий этган Европанинг ўзида ҳам ёрдамга муҳтож давлатлар сони ортиб бормоқда. Ана шундай шароитда биз юртимизни ўзимиз жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишимиз зарур. Юртбошимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг мазмуни шундай: биз ўзгалар ёрдами ёки қарз олиш ҳисобига эмас, балки ўз ишбилармонлигимиз билан бу жиддий синовдан ўтишимиз керак. Бизнинг халқимиз шунга қодир.

2 »

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Умид баҳори

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу борада қадами қутлуғ келган 2009 йилдан умидимиз катта. Қариялар яхши билишади, ҳамиша битта соғин сигир бир оилани боққан. Мана кўрасизлар, сигир йили қут-баракага тўлиқ бўлади. Фақат шукр қилиб яшаш керак.

Ҳар қандай эл-юртга тинчлик, барқарорлик ва ҳамжиҳатлик жозиба бағишлайди. Биласизлар, Ўзбекистон ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам ана шу йўлни танлаган. Мустақилликнинг ўтган йилларида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида қандай ютуқларга ҳамда ижобий самараларга эришган бўлсак, ҳаммасининг негизида йўлнинг тўғри танлангани ётибди. Ички барқарорликни таъминлашда халқимизнинг иродасига таяндик. Халқаро ҳамкорлик борасидаги имкониятлардан фақат Ватанимиз ва халқимизнинг манфаатлари йўлида фойдаландик. Танлаган йўлимиз ҳақида фикрлаш ва хулоса чиқаришда ҳеч қачон адашмаслик ёки шошилмасликни асосий мезон деб билдик. Айниқса, турли ниқоблар билан пардаланган бошбошдоқлик халқаро ҳаётда, шу жумладан, собиқ иттифоқнинг айрим ҳудудларида қандай салбий оқибатларга олиб келганини кўрдик, ҳозир ҳам кўриб турибмиз. Шунинг учун ҳам юртимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етайлик.

Мен пок инсонлар қалбини баҳорга қиёслайман. Сўзлари-ю, хатти-ҳаракатларида эзгулик мужассам. Агар юртимизда шундай инсонлар янада кўпайса, эртанги кунимиз баҳордай яшнаб, турмушимиз фаровон ва ҳаётимиз гўзал бўлиб бораверади. Поклик — диннинг, маънавиятнинг асоси. Ҳадис тили билан айтганда, Аллоҳ яхши кўрган бандасига кўнгли тўқлик ва покликни раво кўради. Яратганнинг бундай марҳаматига бутун юртимиз ва юртдошларимиз сазовор бўлишини истаймиз. Шунинг учун ким бўлишимиздан, қандай лавозимда ишлашимиздан қатъи назар қалби тоза инсонлар қалбига йўл топа олайлик. Битта дошқозонда сумалак қайнатганлардек аҳил, битта қишлоқ ёки маҳаллада ўйин-кулгу қилганлардек оқибатли, ерга бир кунда уруғ ташлаган деҳқонлардек бир-биримизга меҳр-оқибатли бўлайлик, етим-есир, бева-бечора ва қарияларни бирга зиёрат қилайлик. Ёшлар тарбиясига жиддий қараб, миллий ва маънавий қадриятларни қадрлашга, улардаги иммунитетни ривожлантиришга биргаликда бош қўшайлик. Ҳар қандай инсон учун эл-юрт ғами билан яшаш бахт! Улуғ бобомиз: "Одами эрсанг, демагил одами, ониким йўқ халқ ғамидин ғами" деб бежизга айтмаган.

Албатта, олам нигоҳида турган озод юртга, ўзлигини англаган, авлод-аждодлари билан фахрланадиган халққа, ҳамиша яхши ният ва катта умидлар билан яшайдиган элга баҳор янада шукуҳли онларни эҳсон этиб, буюк келажак сари дадил қадам ташлашда энг илҳомбахш даврон бўлажак.

Иброҳим НОРМАТОВ

ФИКР

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — БАХТ

Мустақиллик шарофати туфайли улуғ аждодларимизнинг тарихий меросини, миллий қадриятларимизни эмин-эркин ўрганиш ва улуғлаш, уларни дунё халқларига ўзбекона етказиш учун имкониятлар яратилди. Музейларда боболаримиз ҳаётини акс эттирувчи осори-атиқалар кўз қорачиғидек авайланмоқда. Республикамизнинг турли гўшаларида қад кўтарган замонавий ўқув даргоҳлари ва спорт мажмуаларини кўриб кўзимиз қувонади.

Биз — бугунги ёш авлод мана шундай улкан имкониятлардан оқилона фойдаланаяпмизми? Буюк алломаларимиз, олиму фозилларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш, давом эттириш учун муносиб авлод бўлиб камолга етаяпмизми? Ҳар гал адабиёт, санъат ва тарих музейларига борсам, тенгдошларимни жуда кам учратаман. Баъзан бирор шоир ёки алломанинг таваллуд санаси баҳонасида музейга «ташриф буюрган» ёшлар билан суҳбатлашсам, «Ўқитувчимиз бизни тарих ёки адабиёт фанидан бу ерга олиб келган. Тезроқ тадбир тугаса-ю, кетсак...», дейишади. Гоҳо ўйлаб қоламан. Улар бу билан вақтни тежаяптиларми ёки айни илм-маърифат чўққиларини эгаллаш даврида бўш вақтини беҳуда ишларга совуришга шошаяптилармикан?

Мени таажжубга солаётган ҳолат шундаки, орамизда пойтахтда яшайдиган, аммо ҳозиргача бирор марта ҳам музейга кирмаганлар бор. Умуман, инсон ўзини, ўзлигини англаши учун кимнингдир туртқиси ёки даккисини кутиб ўтириши шартмикан, деб ўйлаб қоламан. Ахир биз ўзимизнинг маънавиятимиз сарчашмаларидан баҳраманд бўлмай туриб, қандай қилиб чет эл адабиётини, санъатини ўзлаштира оламиз? Аввало, ота-боболаримиз маънавий меросининг қадрига етиб, улардан унумли фойдаланишни ўргана олсак, шундан кейингина бизни ўз йўлига солмоқчи бўлаётганларнинг ниятини англай оламиз. Миллий маданияти шаклланган инсон ҳеч қачон хориждан кириб келаётган реп, поп, рок услубдаги қўшиқларга ёки кино қаҳрамонларига кўр-кўрона тақлид қилавермайди.

Донишмандларимиз ёшликни энг гўзал ва беғубор фасл, деб бежизга айтишмаган. Бу фаслни билим, ҳунар билан безамоқ эса энг гўзал амаллардан бири экан. Таъкидлашим жоизки, бизни фақат илм-маърифат, ўзлигимизни англаш бахтигина ёруғ манзилларга етаклайди.

Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ,
ТДЮИ қошидаги академик лицей ўқувчиси.

ҲУҚУҚ

ФАРОВОНЛИК КАЛИТИ

ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган тадбиркорлик субъектларига давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ва кафолатлар ҳақида

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, фуқароларнинг тадбиркорликда эркин фаолият юритишини таъминлаш мақсадида 2000 йилнинг 25 майида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоялаб, уларнинг фаолияти билан боғлиқ молиявий жавобгарликни енгиллаштиришга қаратилган. У тадбиркор ва назорат қилувчи органлар ўртасидаги муносабатларни қонун йўли билан тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2006 йил 26 августдаги VII ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш ҳамда молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни маъқулланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 32 та қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишига сабаб бўлди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда Солиқ ва Божхона кодексларига бир қанча ўзгартиришлар киритилишини тақозо этди.

2005 йил 28 январда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида Президентимиз мамлакатни модернизация қилиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар хусусида тўхталиб, жумладан тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириш, тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис қараш-дан бутунлай воз кечиш, аксинча, уларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлаш фурсати етганини айтиб ўтган эди.

Қонунчиликдаги тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ўзгартиришлар Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2005 йил 24 июндаги "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида"ги фармонларига биноан амалга оширилган. Унга кўра, тадбиркорлик субъектларининг айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлиги юридик шахслар ва бошқараётган мансабдор шахсларга юкланди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган молиявий жарималар миқдори камайтирилди. Шу билан бирга солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлик учун молиявий жарималар миқдорини камайтириш, шу жумладан тўловлар тўлаш муддатидан ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ҳисобланадиган пеня миқдори 0,07 фоиздан 0,05 фоизга камайтирилиб, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик тадбиркорлик субъектларидан соқит қилиниб, уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги Фармонига асосан молиявий жарималар шаклидаги жавобгарлик чоралари қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг айрим турлари учун қолдирилди, холос. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг бошқа турлари учун жавобгарлик зарар етказилган ёки етказилмаганига қараб мансабдор ёки жисмоний шахсларга нисбатан белгиланди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида белгиланган тартибга мувофиқ, 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотларини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади. Қайта ишловчи корхоналарга ўз маҳсулотини аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилади. Бунда нақд маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шарт.

Тижорат банкларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкаси бўйича фермер хўжаликлари, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига иссиқхоналар барпо қилиш ҳамда томчилатиб суғориш тизимини татбиқ этиш учун кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун банк кредит портфелининг камида 20 фоизи миқдорида махсус кредит линиялари очиш тавсия қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2008 йил 1 январдан кучга кирган янги Солиқ кодексида кўзда тутилган меъёр ва қоидалар, аввало, солиқ тизими ва муносабатларини унификация қилиш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш керакки, фермер хўжаликларининг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашдаги ўрни беқиёс. Солиқ имтиёзларини бериш ва солиқ юкини камайтириш фермер ва деҳқонларнинг оладиган даромадларининг янада ошишига хизмат қилади. Янги ўзгартишга кўра, деҳқон хўжаликлари учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари йиғиш миқдори 2 баробарга камайтирилди. Деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Бундай имтиёзлар уларга замонавий жиҳозлар ва минитехнологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириб, қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришга йўл очади.

Оралбай ЖУМАНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири ўринбосари.

Хабарлар оқими

БУГУННИНГ НАФАСИ

МУҲИМ МАВЗУДАГИ ТАДБИР

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Ўзбекистон Президентининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари" китобини ўрганишга бағишланган "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-руҳий ҳолатига таъсирининг олдини олиш чоралари" мавзуида конференция ўтказилди.

Бир қатор вазирлик, муассаса ва ташкилотлар вакиллари, ёш фермерлар, тадбиркорлар, талабалар, ўқувчи-ёшлар иштирок этган тадбирда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг мамлакатимизга таъсири ҳамда уни бартараф этиш йўллари, Юртбошимиз китобининг мазмун-моҳияти, ёшларнинг руҳий ҳолатини яхшилашда ёшлар ташкилотларининг ўрни каби масалалар муҳокама қилинди.

Матёқуб НАРЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

СУРАТЛАР — КУНЧИҚАР ЮРТДАН СЎЗЛАЙДИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадиий академияси ва Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида "Сирли Япония" деб номланган фотокўргазма очилди. Унда юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари, фотоижодкорлар ва кўплаб санъат ихлосмандлари иштирок этишди.

Ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилаётган мазкур кўргазмада япониялик таниқли фотограф Яҳаги Кижюро олган фотосуратлар намойиш этилмоқда. Фотолавҳалар Кунчиқар юртнинг тарихи, шу ўлкада яшаётган халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилади. Кўргазма жорий йилнинг 5 майига қадар давом этади.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

КЎЧАТЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Баҳор келиши билан бошқа жойларда бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам дарахт ва гул кўчатлари экилади. Афсуски, ҳар йили қанча меҳнат ҳамда катта маблағ эвазига ўтказилган ана шу ниҳоллар бўй чўзганида айрим кимсалар томонидан кесиб олиниб, ўтин ўрнида ишлатилаяпти. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг шаҳар ва туман инспекциялари Урганч шаҳридаги темир-бетон корхонаси, Гурлан туманидаги "Омонжон момо", Хонқа туманидаги "Қувонч", Хазорасп туманидаги "Рўзибой" фермер хўжаликларида кўплаб дарахтлар асоссиз равишда кесиб олинганини аниқлади.

Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бугун Фарғона вилоятида кореялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда бунёд этилган олтита саноат корхонаси фаолият юритаяпти. Жорий йилнинг май ойида мазкур давлат билан биргаликда "Фарғона экспо—2009" халқаро кўргазмасини ўтказиш режалаштирилмоқда. Кореядан ташриф буюрган сармоядорлар Фарғона механика заводида, "Қувасой чинниси" ва "Кварц" акциядорлик жамияти цехларида, Марғилондаги "Ҳунармандлар уюшмаси" ва деҳқон бозорида бўлишади. Қўқон ва Риштоннинг иқтисодий-ижтимоий янгиликлари билан ҳам танишадилар.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

ТЕРИ ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

Яқинда Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғида истиқомат қилувчи Алишер Худойбердиев "RLM — Ўзбекистон — Греция — Кипр" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда терини қайта ишлашга мўлжалланган кичик корхона ташкил этиб, Хитойдан 150 минг АҚШ долларига ускуна олиб келиб ўрнатди. Эндиликда бу ерда ойига 15-20 минг дона терини қайта ишлаш имконияти яратилди. Яқин кунларда қайта ишланаётган чармдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Пўлат ҒАДОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

СУД ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Адлия вазирлиги ташаббуси билан "Суд экспертизанинг замонавий имкониятлари ва унинг одил судловни таъминлашда ўрни ва аҳамияти" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази бошлиғи Саттор Отахўжаевнинг таъкидлашича, марказ фаолияти йилдан-йилга кенгайиб бораяпти, биргина ўтган йилнинг ўзида 150 та эксперт томонидан жами 2500 дан ортиқ суд экспертизалари амалга оширилди.

Иномжон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

НАШР

Журналнинг янги сони

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) муассислигида чоп этиладиган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг навбатдаги — 2009 йилнинг 1-сони босмадан чикди.

Мазкур сондан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган бир неча мақолалар ўрин олган. Хусусан, "Демократик ислоҳотларнинг мантиқий давоми" ва Ғулом Мирзаевнинг "Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади" номли мақоласи шулар жумласидандир. Уларда мамлакатимиз аграр соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилинади.

Шунингдек, журналда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" рукни астида ҳам бир қатор мақолалар чоп этилган. Неъматжон Хаттабовнинг "Нотариал фаолият ва инсон ҳуқуқлари", Абдураҳмон Бобоевнинг "Фуқаролик жамияти ва маҳалла", Турсунмурод Маматқобилов ва Холмурод Хидировларнинг "Ўзбекистонда сиёсий ислоҳотларнинг ўзига хос принциплари", Санжар Низомовнинг "Жиноят қонунчилиги ва ярашув ҳуқуқий механизми" номли мақолаларини шулар жумласига киритиш мумкин. Уларда юртимизда ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида кучли фуқаролик жамияти қуриш борасида амалга оширилаётган ишлар ва бу борада хориж давлатларидаги тажриба хусусида сўз юритилади.

Умуман мақолалардаги мавзулар долзарб бўлиб, маълумотларга, таҳлилга бойлиги билан киши эътиборини тортади. Бундай мақолаларга Дилбар Жаҳонгированинг "Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашда касаба уюшмаларининг ҳамкорлиги", Акмал Саидовнинг "Ўзбекча лутфли Шекспир", Жаҳонгир Ҳотамовнинг "Мажалла — тарихий манба" сарлавҳали мақолалари фикримизга далил бўла олади.

Журнал материаллари ўзбек тилидан ташқари рус ва инглиз тилларида ҳам берилган.

Нодир АБДУРАСУЛОВ

ҚИЛМИШ

"Саховат"даги сохтакорлик

туфайли унинг раҳбари Рустам Камолов суднинг қора курсисига ўтирди

Инсон ёшлик қилиб ёки билимсизлиги оқибатида хатога йўл қўйса, тушуниш мумкин, албатта. Аммо кўра-била туриб қинғир ишларга қўл урса, боз устига у каттагина ҳаёт йўлини босган, бир жамоага раҳбар бўлса-чи?

Рустам Камолов ҳадемай 50 ёшни қарши олади. Оилали, уч фарзандниинг отаси. Бундан икки йил аввал Наманган туман Ногиронлар жамияти қошидаги "Саховат" корхонасига раҳбар этиб тайинланганида кўпчилик унинг хайрли ишлар кўламини кенгайтиришига ишонганди. Бироқ, одамнинг оласи ичида экан. Янги раҳбар вазифасини билдирилган ишончни оқлашдан эмас, аксинча, мансабини суиистеъмол қилишдан бошлади. Вилоят Ногиронлар жамияти томонидан 2006 йил январидан ишга тайинлангани тўғрисидаги буйруқни қўлга киритиши ҳамон текин лукманинг пайига тушиб, ушбу вазифада 2005 йил августидан бери фаолият кўрсатиб келаётгани ҳақида қалбаки буйруқ тайёрлади. Унга асосан, 2005 йил 13 октябрдан 21 декабргача вилоят кўп тармоқли шифохонасида даволангани ва туман марказий поликлиникасидан 2006 йил 30 январгача бўлган муддатга берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этиб, 288000 сўмни қуртдек санаб олди.

Биринчи "муваффақият"дан руҳланган Р.Камолов энди рафиқасини "Саховат"га бош ҳисобчи этиб тайинлаш тўғрисидаги сохта буйруққа имзо чекади. Шунга асосан марказий поликлиникадан унинг номига 6 апрелдан 9 августгача касаллик варақасини расмийлаштирди-ю, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобидан 145380 сўм маблағ ундиради. Буниси ҳам ҳолва экан. Орадан кўп ўтмай рафиқасининг касаллик варақасини бошқа аёл номига ўзгартириб, яна 217353 сўмга эга бўлади. Ана шундай қалбаки ҳужжатлар туфайли бола туғилганда бир йўла бериладиган нафақа пулларини ҳам олиб, талонторож қилди.

— Р.Камолов туман ижтимоий таъминот бўлимига олтита ҳолатда нафақа олиш учун талабнома тақдим этиб, жами 1234294 сўм маблағни "сув қилган" экан, — дейди судда гувоҳ сифатида кўрсатма берган А.Убайдуллаев. — Текшириш даврида уларга асос қилиб олинган ҳужжатларнинг барчаси қалбаки эканлиги фош бўлди.

— Унинг идорасида котибалик ўрни бўш эканини эшитиб, турмуш ўртоғимга иш сўраб боргандим, — дейди суд мажлисида гувоҳлик берган Й.Қурбонов. — У аёлимнинг паспорт нусхасини сўраб олди, бироқ, нимагадир ишга қабул қилмади. Кейин билсак, хотинимни "Саховат" маъмуриятида ишлайди, деган сохта ҳужжат тўғрилаб, унинг номига олинган 217353 сўм ҳомиладорлик учун нафақа пулини чўнтакка урган экан.

Қинғир иш билан узоққа бориб бўлмайди, албатта. "Саховат"даги сохтакорлик ҳам кўп ўтмай "бўй" кўрсатди. Ногиронларга саховат кўрсатиши лозим бўлган ташкилот раҳбарининг қилмиши рад этиб бўлмас далиллар билан исботлангандан сўнг Р.Камолов суднинг қора курсисига ўтиришига тўғри келди.

Анорбой ОЛИМОВ,
журналист.

НИГОҲ

ОИЛА – МАЪНАВИЯТ ҚЎРҒОНИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини сингдириш энг долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади. Зеро, муҳаббат ва садоқат, юксак ватанпарварлик камол топган қалбда хоинлик илдиз отолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги тарихий қарори, "Юксак маънавият — енгилмас куч" китоби барча маънавият аҳли олдига, ҳар бир оила бошлиғи зиммасига муҳим вазифаларни қўйди. Бизни халқимизнинг, миллатимизнинг маънавиятини сақлаш ўзлигимизни сақлаб қолиш билан баробар эканини теран тушунишга ундади.

Халқаро майдонда ғоявий курашлар авж олиб бораётган бир даврда маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, ватандошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ёшларимизни мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш барчамизнинг бош мақсадимизга айланди.

Бир мулоҳаза: оила — жамиятнинг энг мустаҳкам таянч кучи, дедик. Лекин ҳамма оилалар ҳақида ҳам бу гапни айтиш мумкинми? У қачон шундай даражага кўтарилади? Ким уни ана шундай мақомга олиб чиқади? Бу ўринда ҳеч шубҳасиз оналаримизнинг алоҳида ўрни бор.Таъбир жоиз бўлса, энг катта маънавиятчи асли онадир, оналаримиздир.

Аёл учун дунёда чақалоғини бағрига босишдан, унга қалб қўри, бутун меҳру муҳаббатини бахш этишдан, кеча-кундуз боши узра парвона бўлиб, унга оқ сут бериб, покиза алла билан улғайтиришдан каттароқ бахт борми?! Биз юқорида таъкидлаган энг юксак фазилатларни, аввало, қалбларимизга оналаримиз сингдиради.Бизнинг ҳаёт сўқмоқларидан қоқилмай, ўзлигимизни йўқотмай, улуғ мақсад ва орзулар билан яшашимизда энг катта куч ана шу фазилатлар эмасми?

Таъкидланганидек, бу каби тушунчалар минг-минг йиллар давомида маънавий ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, ҳаётимиз негизига айланиб кетган. Фарзанд илк бор меҳр ва садоқат, эзгулик ва яхшилик, мардлик ва олижаноблик, ғурур ва ифтихор, чин инсонийлик ва одамийлик сабоғини Онадан, она алласидан, у айтиб берган эртагу ҳикматлардан олади. Алломалар бежизга "Бизга яхши оналарни беринг, биз яхши инсонлар бўлиб етишамиз" — деган сўзни айтмаганлар.

Эндигина кўз очган гўдак бу ёруғ оламни илк бор онасининг меҳр тўла қувончи-ю, мафтункор оҳанглари оғушида эшитиб, кўра бошлайди. Унинг жажжи қалбида илк бор меҳр аталмиш куртак ниш уради.

Бу меҳр улғайиб, ота-онага, ака-сингилга, бува-ю момога, заминга, ундаги одамларга нисбатан чексиз эҳтиром сифатида шаклланиб боради. Она меҳри, алласи чақалоққа ўзлигидан сабоқ беради, Ватанни танитади, Ватанни англатади! Бежиз Ватан сўзига Она сўзини қўшиб айтмаймиз. Демакки, биз барчамиз илк бор Ватан дарсини оналаримиздан оламиз! Яна бир карра таъкидлаймизки, маънавият аҳлининг энг улуғ устози, устоди аввали — оналардир!

Мустабид тузум даврида миллатни, унинг ўзлигини қандай куч асраб қолди? Қайси қўрғон миллий маънавиятимизни йўқ қилишга бўлган уринишларга қалқон бўлди? Ўша даврда давлат ва жамият, оила ўртасида руҳий-маънавий бирлик бормиди? Аксинча, ўртада катта оралиқ бор эди. Ҳеч шубҳасиз, ўзлигимизни йўқ қилишга қаратилган барча ҳаракат ва тажовузлардан бизни, оиладаги маънавий муҳит, аждодлардан қолган эзгу амаллар, асрий анъаналар асраб қолди. Таъбир жоиз бўлса, мустабид тузум даврида биз маънавият билан оилада эмланган эдик. Бу эмлаш шунчалик кучли эдики, у ҳукмрон мафкуранинг қалбни фалаж қилувчи таъсирларини енгиб турарди.

Бугунги кунда айрим Ғарб давлатларида оила тушунчасининг дарз кетаётгани, муқаддас қадриятлар, бурч ва масъулиятнинг тобора заифлашиб бораётгани, ўша мамлакатлардаги маънавий-руҳий муҳитга қанчалик таъсир этаётгани, жамиятнинг энг катта таянчи тобора заифлашиб бораётгани бор гап.

Биз учун эса оила Ватан каби муқаддасдир. Илк бор Ватанга фидойилик, посбонлик қилиш дарсини оила қадрини асраш, ҳимоялаш орқали оламиз. Ота-оналикнинг ёзилмаган қонунлари қанча? Оқибат, меҳр, фидойилик, ҳузур-ҳаловатдан кечиш, жонни-сорлик. Бу улуғ туйғулар, бебаҳо фазилатларни бирон қонун-қоида билан ўлчаб ёки ифодалаб бўлармикин?



Бугунги кунда дунёнинг айрим мамлакатларида, хусусан, Ғарбдаги давлатларнинг маънавий йўқотишлари ҳисобига тобора руҳий инқирозга юз тутиб бораётгани, неча минг йиллар давомида яратилган, шаклланган асрий қадриятлар, маънавий пойдевор устига қурилган турмуш тарзи издан чиқмоқда. Инсониятнинг энг бебаҳо бойлиги бўлмиш ахлоқий фазилатлар, бир сўз билан айтганда, юксак ахлоқий мезонлар асосида яшаш, шахс эркинлиги ғояси оқибатида нураб бормоқда.

Ахир, ҳаёт давомийлигининг муқаддас қонуниятлари бўлган табиий жуфтликни инкор этиб, иккита бир хил жинсдаги одамларнинг никоҳини қонунийлаштириш нима дегани?! Тасаввур қилинг, бир йигит бошқа бир йигитни уйга етаклаб келиб ота-онасига "биз оила қурдик" деса, бу эркинликми ёки жирканч тубанликми? Бу билан энг улуғ инсоний ришталар узилмаяптими? Бундай "оила"лардан ташкил топган жамиятнинг эртаси нима бўлади?!

"Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил", дейди халқимиз. Минг шукрки, мамлакатимизда комил инсон, баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Энг муҳими, истиқлол боис давлат ва жамият, оилалар ана шундай эзгу мақсад ва орзу билан яшаяпти. Бу борада биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси, "Оила", "Ёшлар", "Оналар ва болалар" йилида амалга оширилган ишларни эслаш кифоя.

Таъкидлаб ўтганимиздек, бизда оила, аввало, маънавий асосга қурилади. Айтайлик, моддий асоси қанчалар мустаҳкамлигидан қатъи назар, маънавий асоси йўқ хонадонга биров қиз бермайди. Сўраб-суриштирилади. Қанча пули, нечта участкаси борлигига эмас, энг аввало, ахлоқи, тарбияси, маънавияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки азалдан халқимиз маънавий тарбия масаласига алоҳида эътибор бериб келган. Бундай қарашлар бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган. Шу ўринда Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат сифатида қуйидагича таърифланади:

"Оила устунлари мустаҳкам, лекин уни қўпоришга кўп уринишлар бўлган. Бугун-чи, "оммавий маданият", ақидапарастлик, миссионерлик каби таҳдидлар ортида турганлар нима учун, аввало, эътиборни оилага қаратмоқда? Улар оилаларни парчалаш, оилавий тотувликни издан чиқариш орқали нималарга эришмоқчи?! Бу ҳақда ҳар биримиз чуқурроқ ўйлашимиз зарур, бундай хавф ва таҳдидларга беэътибор қараш мумкин эмас!".

Тариҳдан маълумки, ота-боболаримиз қурган шаҳар, қалъалар кўпинча хавфсизликни ўйлаган ҳолда икки қисмдан иборат бўлган ва уларнинг ҳар бири алоҳида девор билан ўралган. Лекин оила деб аталмиш энг мустаҳкам қалъа ҳам бордир. Қалъалар нураши мумкин, лекин оила қалъаси у руҳ суви-ю, маънавият лойига қорилган бўлса, шаксиз унинг деворларини ҳеч қандай замонавий қурол билан буза олмайди. Шу боис ҳам уни бузишга интилувчилар маънавий таҳдидларга суянмоқда. Маънавий қадриятларни, инсоний фазилатларни заифлаштиришга уринмоқда.

Яқинда ёшларни энг тубан ахлоқсизлик, фаҳш ишларга даъват қилувчи видео кассета қўлимга тушиб қолди. Унинг муқовасида балоғат остонасида турган ёшларга қарата айтилган шундай сўзлар ёзилган: "Стирай все стереотипи, делай что хочешь, это твоя жизнь". "Бир кетган уятнинг қайтиб келиши қийин" дейди халқимиз. Биргина юқоридаги сўзларнинг ўзида бу ҳаракатлар ортида турган кучларнинг мақсад-муддаолари аниқ деб ўйлайман.

Албатта, ёшларимизни билимли, касб-корли, соғлом, кенг дунёқарашли, маънавий иммунитетини мустаҳкам қилиб тарбиялашга қаратилган узлуксиз тизимли ишлар олдида бундай хавфлар заифлашади.

Шу ўринда қадди бир оз букчайган бўлса-да, елкасида бешик кўтариб кетаётган кекса отахонларимиз, набирасини дуо, яхши ният, орзу-умидлар йўргагига ўраб бешикка белаётган бувиларимиз, алла айтаётган оналар, фарзанд камоли йўлида ўзини фидо қилишга тайёр оталар кўз ўнгимдан ўтади. Ҳа, бу муборак заминда янги авлодга, келажак тарбиясига ана шундай муносабат мавжуд. Маънавий бурч ана шундай англанади.

Болажонликни қарангки, ёш келин-куёв турмушининг биринчи кунидан бошлаб бўлажак фарзанд умиди, орзуси билан яшайди. Азалдан башарият "Алпомиш", "Гўрўғли", "Фарҳод ва Ширин", ё "Лайли ва Мажнун" каби қатор достонларда инсоний муҳаббат, садоқат, вафо каби ўлмас туйғуларни улуғлаб келганлар. Қатор афсона ва ривоятларда, бадиий асарларда оилавий меҳр-муҳаббатни эъзозлаб талқин қилганлар. Инсониятни энг эзгу қадриятлар руҳида яшашга ундаганлар. Ота-она бўлиш, гўдак кулгуси, энг улуғ бахт-ку! Наҳотки, инсоният айтайлик бир хил жинсдаги ёшларнинг никоҳини қонунийлаштиришга, бу билан азалий ва абадий оилавий қадриятлардан воз кечилишига томошабин бўлиб турса?! Оилаларимизнинг ибо, ҳаё, номус, иффат, орият, бурч каби посбонлари бор, буларнинг замирида уят деган тушунча ётади. Оилани энг мустаҳкам қўрғонга айлантирайлик, оиламиз, қалбларимиз остонасини асрайлик. Ватан мана шу остоналардан бошланади. Оилани асраш — Ватанни, халқни, миллатни унинг ўзлиги, орзу-умид ва мақсадларини, келажагини асрашдир. Азиз замондош, сиз ҳам бир оиланинг бошлиғисиз, фарзанд тарбиясига масъулсиз, ахир!

Деҳқон умид билан боғ яратади, ҳар бир ниҳолини жон қадар асрайди, унга парвона бўлади, меҳр-муҳаббат билан парвариш қилади. Келинг, биз ҳам парвариш қилаётган ҳар бир ниҳолимизга меҳр билан қарайлик. Қайси ота-она фарзандини бахтсиз, ношуд ва элига хиёнаткор бўлишини, туз ичган тузлиғига тупуришини истайди. Йўқ, бирор ота-она буни асло истамас. Шундай экан, ҳар бир оила маънавият бешиги-ю, маънавият қўрғонига айлансин, токи биз тарбия қилаётган фарзандларимиз аввало, бутун халқимизнинг суянадиган тоғи, ғурури, қолаверса, инсониятнинг ифтихори бўлиб вояга етсин. Шундагина бу бахтиёр фарзандларимиз она юртимизнинг бахтига айланади. Бу шунчаки ниятимиз эмас, балки ота-она сифатида, оила бошлиғи сифатида бизнинг қатъият ва фидойилик билан бажарадиган бурчимиздир. Зеро, энг юксак мақсадлар моҳиятида ана шу эзгу ният мужассам: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт!"

Минҳожиддин МИРЗО

Таҳририятга хатлар

ШЕЪР МУАЛЛИФИ КИМ?

Яқинда "Тошкент" телеканалини кўриб тургандим. Бирданига қулоққа хуш ёқадиган қўшиқ янграб қолди — "Сени ҳеч ким севолмайди, менингдек". Бу қўшиқ халқимизнинг севимли хонандаси марҳум Охунжон Мадалиев томонидан ҳам куйланганидан барчанинг хабари бўлса керак. Бироз ўтиб экранда санъаткор йигит ва қўшиқ муаллифининг исми берилди — Зафарбек Усмонов, Д.Мирзо сўзи. "Воажаб, наҳотки, ахир бу шеърнинг муаллифи Муҳаммад Юсуф эди-ку", деган ўй ўтди хаёлимдан. Киприк қоқмай, экранга термилиб турдим. Қўшиқ якунида ҳам яна ўша титр кўрсатилди — Д.Мирзо сўзи. Энг ажабланарлиси, хонанданинг ўзи "Муҳаммаднинг кўнглидаги дилбари" деб хониш қилиб турибди. Билмадим, балки бу оддий англашилмовчиликдир. Аммо шундай десак, муаллифлик ҳуқуқи, қолаверса, халқ суйган марҳум шоиримизга бўлган ҳурмат қаерда қолади?

Тўлғоной МАВЛОНОВА,
Тошкент шаҳри.

ОНАНИНГ ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Китоб туман болалар касалхонаси шифокори Ҳакимжон Саидов бемор қиз —Озодани бир ҳафта операцияга тайёрлади. У минглаб гўдакларни ҳаётга қайтарган бўлса-да, олдин бундай оғир ҳолатда дуч келмаган эди. Ахир, икки буйрақдаги ёнғоқдай тошларни олишнинг ўзи бўладими? У юртимизнинг турли гўшаларида меҳнат қилаётган устозлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Маҳмуджон Аҳмедов, профессор Жуманазар Бекназаровлар билан телефон орқали боғланди, маслаҳатлашди. Ибн Синонинг тиббиётга оид китобларини яна бир карра варақлаб чиқди. Чет элда ишлаб юрган пайтларида тўплаган тажрибаларига асосланди. Олимлар томонидан ёзилган методик қўлланмаларни синчиклаб ўқиди. Ниҳоят операция қилишга киришди.

Беш ярим соатлик операциядан ҳорғин ҳолда чиқаётган Ҳакимжонни беморнинг сабрсизлик билан кутаётган онаси қарши олди. Ҳакимжон секин жилмайиб: "Қизингизга азоб бераётган мана буни илдизи билан олиб ташладик", — дея ҳазил аралаш аёлнинг қўлига докага ўралган иккита тошни узатди. Онаизор "Сизни ўла-ўлгунимча дуо қиламан", — деганича йиғлаб юборди.

Ҳосият ЖАББОРОВА,
Китоб тумани.

ҲЕЧ КИМ МЕҲРГА ЗОР БЎЛМАСИН

Дунёнинг ишлари қизиқ. Инсон ишонч, умид ва илинж деган туйғуларга суяниб яшайди. Мен дунёни каттакон бир ҳовлига қиёс этаман. У ерда турфа хил феъл-атворли кишилар яшайди. Барчасининг ўз дарди-ташвишлари бор. Улар шу ҳолати билан бизга қадрли. Лекин гоҳида уларга "Дардингни айт, бироз енгил тортасан", дея тасалли беришга ийманамиз. Аксинча, ҳар куни ўз юмушимиз билан бандмиз.

Мен ўрта мактабнинг 9-синфида ўқийман. Тўққизинчи синф ўқувчиси шуларни ёзаяптими, деб ҳайрон бўларсиз. Ҳа, дард инсонни тез улғайтириб қўяркан. Отасиз катта бўлаяпман — бошимдан нелар қийинчиликлар ўтмади. Тўғри, у киши билан бир туманда яшаймиз. Лекин отамни ҳозиргача кўрганим йўқ. Ота чинданам инсоннинг суянган тоғи бўларкан. Онам уларнинг ўрнини босишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, барибир кемтик кўнглимда аллақандай бўшлиқ қолаверади. Волидамга билдирмай, гоҳида йиғлаб-йиғлаб оламан. Ҳурматли таҳририят жамоаси сиздан илтимос, ушбу фикрларимни чоп этинг. Токи, уни ўқиган одамларнинг оиласи бузилмасин, ҳеч ким мендек ота дийдорини қўмсаб, унинг меҳрига зор бўлмасин.

Чарос НИЗОМИДДИНОВА,
Риштон тумани.

НАВОИЙ ВА НОТИҚЛИК

Буюк мутафаккир Алишер Навоий ўз даврида кишиларга яхши сўз билан таъсир эта билиш санъатини жуда қадрлаган, нотиқлик санъатининг буюк қудратига алоҳида эътибор берган экан. У «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг 24-фаслини «Насиҳат аҳли ва воизлар зикрида» деб номлайди ва бунда воизлик санъатига ўз муносабатини билдиради. Алломанинг фикрича, воизнинг сўзлари таъсирчан ва фойдали ҳамда нутқ тингловчи учун янгилик, билимлар ва ўзгаришлар хабарчиси бўлмоғи, энг асосийси, нотиқнинг ўзи бирор соҳани эгаллаган бўлиши ва ундан сўнг ваъз орқали кишиларга таъсир этиши лозим, деб қайд этади. Навоий сўзнинг ҳашамдорлигидан кўра ҳаққонийлигини улуғлайди. "Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли бўлсин десанг, содда тилда гапир", деб ёзади мутафаккир.

Алишер Навоий ўша вақтда воизлик санъатида ном қозонган — Хожа Муаййад Меҳнатий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизлар ҳақида ўзининг «Мажолис ун-нафоис» номли тазкирасида ҳам фикр билдирган.

Баҳодир МУСАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

АНЖУМАН

Яқинда Наманган вилоятида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Наманган вилоят ва Чуст туман ҳокимликлари ташаббуси билан "Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг долзарб вазифалари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Қишлоқ ёшларига эътибор

Таъкидландики, мамлакатимизда Президентимиз томонидан қишлоқ ёшларини ижтимоий ҳимоялаш ва уларга зарур шарт-шароитлар яратиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиши ҳам унинг мантиқий давоми ҳисобланади. Конференцияда бугунги қишлоқ ёшлари ҳаётини сифат жиҳатдан юксалтириш, уларнинг орзу-интилишлари, муаммо ва ечимлари, бу борада давлат органлари, жамоат бирлашмалари, хусусан ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, улар олдида турган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, бугуни кунда жаҳон ҳамжамияти диққат марказида бўлган иқтисодий инқирозга қарши кураш, бу борада мамлакатимизда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, бу борада оммавий ахборот воситаларининг фаоллигини ошириш ва уларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш ҳақида ҳам фикрлашилди. Анжуман сўнггида иштирокчилар наманганлик ёш тадбиркор ва фермер хўжаликлари, ўқув, спорт ҳамда маданият масканлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳосил КАРИМОВ

МУЛОҲАЗА

Аслида адашган ким?

— Балиқлар сувда қандай нафас олади?

— Қушлар-чи, қушлар қандай қилиб осмонда учади?

— Мушукларнинг кўзи кечаси нега ёниб туради?

Нега? Нима учун? Қандай қилиб? Болакай шу каби ўзини қизиқтираётган саволларга жавоб излайди. Катталар унинг тасаввурида ҳар қандай саволларнинг жавобини билади. Шунинг учун бола катта ёшдагиларга қаттиқ ишонганидан дадасига, ойисига, бобосига, бувисига тинмай саволлар беради.

Аммо биз катта ёшдагилар фарзандларимизнинг ишончларини оқлай олаяпмизми? Ҳамиша ҳам мунчоқ кўзларини бизга тикиб, саволларининг жавобини ҳаяжон ва қизиқиш билан кутаётган болакайга етарли эътибор бераяпмизми? Эндигина дунёни, уни ўраб турган атроф-муҳитни ўрганаётган жажжигина болага ёрдам бера олаяпмизми ёки эътиборсизлигимиз, бефарқлигимиз туфайли унинг қизиқишларини сўндираяпмизми? Ана шундай саволларни ҳар биримиз, ҳар доим ўзимизга бериб турмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Кимнингдир фарзанди олимпиада ғолиби бўлганини эшитсак, ҳавас қиламиз. Агар ўғлимизнинг ўртоғи олий ўқув юртига грантга кириб ўқиётганини эшитсак, ҳавасимиз келади. Иқтидорли, истеъдодли болалар ҳақида кўрсатувларни томоша қилар эканмиз, "Қани энди менинг фарзандим ҳам ана шундай ютуқларни қўлга киритса эди", — деб орзу қиламиз. Нега менинг фарзандим ўша болалар каби иқтидорини намоён қила олмади? Биздан қандай хато ўтди? Бу савол сизга эрта-ю, кеч тинчлик бермайди. Келинг, яхшилаб ўйлаб кўрайлик. Аввал бир зум ортга назар солайлик. Фарзандингизнинг қўлидан етаклаб қўғирчоқ театрига, музейга, томошагоҳга, ҳайвонот боғига ёки маданий тадбирларга олиб боришни асосий вазифаларингиздан бири деб билганмисиз? Унинг ўқишлари, қизиқишлари, атрофидаги дўстлари ҳақида бафуржа сўраб-суриштирганмисиз? Агар булар ҳамиша эътиборингизда бўлганида эди... Болаларингизнинг туғилган кунига атаб турли совғалар ва ширинликлар олганингизда уларга қўшиб яхши бир китоб ҳам совға қилганмисиз? Шуни унутманг, китоблар болага баъзан ота-она ва тарбиячидан ҳам кўпроқ таъсир ўтказа олади.

Фарзандингизнинг биринчи муваффақияти ёдингиздадир. Албатта, ўшанда бошингиз осмонга етган ва "ота ўғил" дея уни кўкларга кўтаргансиз. Аммо ҳаёт фақат муваффақиятлардан иборат эмас. Бир куни зурриёдингиз, айниқса, ўғил бола яхши билиши керак бўлган математика фанидан (сиз унга доимо шундай деб уқтирар эдингиз) ёмон баҳо олиб қайтди.

— Сен ўзи кимга тортгансан? Бу кетишда сендан дуруст одам чиқмайди!. Гапингиз бамисоли ҳукм каби янграйди. Афсуски, шу сўзларингиз унинг руҳига дарз етказганини билмайсиз. Бунинг ўрнига унга далда бўлганингизда, ҳаракат қилинса, ҳаммаси яхши бўлишини тушунтирганингизда эди. Бугун афсус чекмаган бўлардингиз!

Дейлик, сиз ниҳоятда банд одамсиз. Иш, рўзғор, тўй-ҳашам, турли маросимлар, бу ёқда қариндош-уруғлар ташвиши. Ҳамманинг назарида яхши одам бўлгингиз келади. Масъулиятли ва ишчан ходим, дилкаш дўст, оқибатли қариндош, яхши қўшни, меҳрибон жигар. Хуллас, барчанинг кўнглини олишга шошиласиз. Шунчалар шошиласизки, ҳатто ёнгинангиздаги фарзандингизни ҳам буткул унутиб қўясиз. "Уруғимиздан ёмон одам чиқмаган, насиб этса болаларимиз ҳам ўзимизга тортади. Ота-онасидан ўтиб қаёққа ҳам борарди. Олманинг тагига олма тушади, дейдилар-ку", деб хотиржам юрасиз. Афсуски ҳаёт ҳар доим ҳам шундай эмас. Боиси бугун ёшларимизни ўз маданиятига жалб қилишга бел боғлаган, бунинг учун миллиардлаб долллар сарфлаётганлар кўз тикиб турибди уларга.

"Менинг фарзандим ҳеч нарсага қизиқмайди" дейди баъзилар. Ҳеч қайси ота-онанинг бундай дейишга ҳаққи йўқ аслида. Чунки дунёда ҳеч нарсага қизиқмайдиган боланинг бўлиши мумкин эмас. Унинг истакларига қулоқ солмаётган, қалб уришини тингламаётган, фарзандининг ўзига хос "мен"ини тан олмаётган ота-она ёки тарбиячилар бор, холос.

Гоҳ-гоҳ қулоғимизга "тарбияси оғир болалар" деган гаплар чалиниб қолади. Аслида бундай болаларни "оғир тарбиявий муҳит", уқувсиз ўқитувчи ва тарбиячилар тарбиялайди! Сиз тарбияси оғир деб ажратиб қўйган ўша бола ҳам қачондир бегуноҳ, бенуқсон гўдак бўлганини эсга олинг. Кундан-кунга, қадам-бақадам сўзингиз билан, хатти-ҳаракатларингиз орқали уни "тарбиялаб", онгу-шуурини, фикрларини ўзгартириб қўймадингизми?!

Аслида адашган ким? Фарзандингизми ёки сизми? Агар ўз вақтида болангизнинг тарбиясига бефарқ бўлмаганингизда бугун бундай оғир саволлар қуршовида лол, хижолатда турмасдингиз.

Ҳидоят ОЛИМОВА

ТЎРТИНЧИ ҲОКИМИЯТ

«ОЛТИН ҚАЛАМ» ЖУРНАЛИСТЛАР ФАОЛИЯТИДА

(Бошланиши 1-бетда.)

Танловнинг ўзига хос жиҳатлари, ҳайъат аъзоларига тақдим этилган ижодий ишларнинг кўлами хусусида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси, «Олтин қалам» Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапирди:

– *2006 йилдан эътиборан ушбу нуфузли мукофотнинг таъсис этилиши ҳамда унинг халқаро танлов сифатида эълон қилиниши республикамизда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Бугун танловга нафақат маҳаллий, балки кўплаб хорижлик журналистлар ҳам қатнашиш истагини билдирмоқда. Буни ўтган йиллар мобайнида Россия, Озарбойжон, БАА, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа хорижий давлатлардан иштирок этган ижодкорларнинг мамлакатимиз тарихий обидалари, бунёдкорлик ишлари, маънавий мероси ҳақида ёзган материаллари мисолида ҳам кўриш мумкин.*

Танлов ўтказилган дастлабки пайтда юртимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи қалам аҳли марказий нашрлар ёки телерадио каналлар ходимлари қаторида, айтайлик, туман газетаси вакилларининг ғолибликка эришиши қийин, деган фикрда эди. Бироқ, танлов натижалари бу мулоҳазаларнинг ноўрин эканини яна бир бор тасдиқлади. Негаки, ушбу нуфузли танловнинг ўтган йиллардаги ғолиблари ичида мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшаб, ижод қилаётган журналистлар ҳам анчагина. Шундай экан, ҳамма гап ижодий ишларнинг салмоғи ва сифатига боғлиқ. Танлов ҳайъати эса тақдим этилган барча ижод намуналарининг энг муносибларини таъсис этилган мукофотларга тақдим этишишга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Яна бир янгилик: бу йилги Миллий мукофот учун танловнинг рағбатлантирувчи номинацияларига қўшимча иккита – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га бағишланган энг яхши материал учун» ҳамда «Энг яхши матбуот хизмати» деб номланган номинациялари киритилганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Умуман, танлов ғолиблари ва совриндорлари сони эса 27 та (битта Бош миллий мукофот, 12 та асосий ва 14 та рағбатлантирувчи мукофот учун)ни ташкил қилади.

Танлов ғолиблари Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида, аниқроғи, 1 май куни пойтахтимизнинг муҳташам «Туркистон» саройида ўтказиладиган тантанали маросимда эълон қилинади. Ўзбекистон санъат арбоби, режиссёр Носир Отабоев раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ барча тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Ушбу байрамона кечани ташкил этиш, концерт дастурини саҳналаштириш борасида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси яқиндан ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, халқаро «Олтин қалам» Миллий мукофотининг таъсис этилиши қалам аҳли ҳаётида ўчмас из қолдирмоқда. Биз ўтган йилларда ушбу танлов ғолиблигига муносиб деб топилган бир неча ижодкорлар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдик. Уларга мукофот куч-ғайрат бағишлади, ижодий руҳ берди. Хўш, ушбу нуфузли рағбат, мукофот уларнинг ижодий фаолиятида қандай из қолдирди?

Қўчқор НОРҚОБИЛ, «Олтин қалам» II Миллий мукофоти (2007 йил) совриндори, «Инсон ва қонун» газетаси бош муҳаррири:

— Яхши биламизки, бугунги матбуот нима, қачон, қаерда деган саволлар асосида тезкор ахборот беради, кенг омма фикрига у ёки бу маънода таъсир қилади. Менинг назаримда, ўзбек матбуоти нафақат воқеликлар минбари, балки халқимиз маънавияти, миллат маърифатининг юксалиши учун ҳам хизмат қилади. Ўзбекона фазилатлар, юксак умуминсоний ғоялар тарғиботчиси сифатида ҳам матбуот ёш авлод онгу шуурида ўзлик, озодлик ва асрлар оша яшаб келаётган қадриятларимизга нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуларининг илдиз отишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Юртимизда ана шундай мезон билан фаолият юритаётган қалам аҳли — журналистларимизнинг машаққатли меҳнати юксак даражада қадрланаяпти, эътироф этилаяпти. Жумладан, мамлакатимизда содир бўлаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи, бир сўз билан айтганда, бугунги Ўзбекистоннинг барча жабҳаларда гуллаб-яшнаши борасида кенг қамровли мақолалар чоп этаётган муаллифлар меҳнатини муносиб тарзда қадрлаш мақсадида «Олтин қалам» халқаро мукофотининг ташкил этилиши фикримизнинг тасдиғидир. Мазкур халқаро танловда иштирок этиш ҳар бир журналистни янада фаолликка ундайди.

Сирожиддин РАУПОВ, журналистика соҳасида «Олтин қалам» II Миллий мукофоти (2007 йил) ғолиби, «Жамият» газетаси бош муҳаррири:

– Истиқлол шарофати туфайли ижод аҳлига, хусусан, журналистларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликдан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. «Йилнинг энг фаол журналисти», «Энг улуғ ва энг азиз», «Эътироф» сингари танловларда ҳам журналистларга мукофотлар ҳар йили тантанали равишда топширилмоқда. «Олтин қалам» халқаро Миллий мукофоти эса ОАВ ходимларига ғоят юксак эътибор ва рағбат намунаси бўлаяпти.

Танловда иштирок этиш ёки совриндор бўлиш журналистдан ўз устида тинимсиз изланишни, маҳоратни талаб этади. Мукофот совриндори бўлиш кишига қанча шон-шараф, қувонч бағишласа, шунча масъулият ҳам юклайди, албатта.

Энг асосийси, ана шу мукофот, катта рағбат бизни янада дадил, ҳозиржавоб, журъатли бўлишга ундамоқда. Ниятим, улкан парвозлар барча ҳамкасбларимизга насиб этсин.

Гулбаҳор АЗИМОВА, Олтин қалам III халқаро мукофоти совриндори (2008 йил), «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири:

– «Ёшлар йили»да «Олтин қалам» миллий мукофотининг «Ёшлар йилига бағишланган энг яхши материал учун» номинацияси ғолиби бўлдим. Бу албатта, мен учун кутилмаган муваффақиятдир. Чунки ҳар йили кўпчилик касбдошларим қаторида «Туркистон» саройида ўтказиладиган тақдимот маросимида мукофот энг илғор журналистларга берилишининг гувоҳи бўлардим. Бунга сазовор бўлиш орзуси менда ҳам бор эди, аммо унинг учун ҳали кўп тер тўкишим кераклигини билардим. Ғолиблар сафида ёш журналистларнинг ҳам эътироф этилиши эса мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодга бўлган юксак эътибор нишонасидир. Ушбу мукофот нафақат эришган ижодий ишларим учун, балки келгусидаги фаолиятимга рағбатдир. Умрини журналистика ривожига бахшида этган инсонлар билан бир қаторда тақдирланишим, уларга муносиб бўлишга, улардек ҳаётимни матбуотга бағишлашга ундайди.

Азим ПЎЛАТОВ, "Олтин қалам" III халқаро мукофоти (2008 йил) "Энг яхши журналистик материал учун" номинациясининг радио йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби, Ўзбекистон телерадиоканали «Ахборот» таҳлилий-информацион эшиттиришлари муҳарририяти бўлими мудири:

– Истиқлол йилларида журналистларнинг меҳнати давлатимиз раҳбари томонидан рағбатлантирилаётгани ғайратимизга ғайрат қўшмоқда. Жумладан, изланаётган, ўз сўзи, овозига эга бўлган иқтидорли қаламкашларни рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозларга даъват этишда «Олтин қалам» Миллий мукофоти ўзига хос ўринга эга.

Ижодий ишларим юқори баҳоланиб, юксак мукофотга сазовор бўлгани мени ва бутун жамоамизни янада фаол ва масъулият билан ишлашга ундади.

Бундай дил сўзлари барча ижод аҳлининг қалбида фахр ва ҳавас туйғусини уйғотиши табиий, албатта. Чиндан ҳам жаннатмонанд ўлкамиздаги журналистлар учун «Олтин қалам» халқаро танлови юксак эътибор ва рағбат намунасига айланиб улгурди. Бу эса жорий йилги танловнинг парвози янада юксак бўлишидан далолат беради.

Ўз мухбиримиз.

ЯНА БИР ЁШЛАР МАРКАЗИ

Пахтаобод шаҳридаги кинотеатр ўн йилдан буён қаровсиз ётган эди. Ёш тадбиркор Баҳромжон Жўраев уни сотиб олиб, 420 ўринли ажойиб кошонага айлантирди. Эндиликда «Ёшлик» деб номланган ушбу масканда турли фильмлар намойиши, мулоқотлар, кечалар ва концертлар ўтказиш мумкин.

Қолаверса, бинонинг иккинчи қаватида «Нилуфар элит» қизлар ўқув маркази мавжуд бўлиб, унда ёшларимиз чеварлик, турли пиширикдар тайёрлашни ўрганишлари, компьютер саводхонлигини оширишлари мумкин. Шунингдек, бу ерда келажагимиз эгаларига рус ва инглиз тиллари ҳам ўргатилади.

Бино ёнида авиа ва темир йўл кассалари, гўзаллик салони, мини маркет, банк филиали ва ошхоналар мавжуд. Дарвоқе, бу ерда 30 та янги иш ўрни яратилди.

Ғуломқодир АБДУРАҲИМОВ
"Андижоннома"
25.03.2009 йил.

ҲУДУДИЙ НАШРЛАРДА

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Маълумки, ҳар бир шаҳар олдиндан ишлаб чиқилган аниқ режа асосида қурилади. Мазкур лойиҳа фақат кутилмаган табиий ҳодисалар, фавқулодда ҳолатлар содир бўлгандагина ўзгартирилиши мумкин. Унга ўзбошимчалик билан қўшимчалар киритиш эса қонунбузарлик ҳисобланади. Афсуски, кейинги йилларда бундай ишлар туманимиз ҳудудида анча илдиз отди. Турар жойлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилгач, уй эгалари ўзбошимчалик билан давлат стандартидаги иморатларга ўзгартиришлар кирита бошлашди. Масалан, Пахтакор шаҳрининг бош режаси асосида қурилган иморатларни ўрганиш давомида мазкур ҳудудда 913 хонадонда белгиланган меъёрдан четга чиқиш ҳолатлари кузатилди. Туман бўйича эса шаҳарсозлик қоидаларини бузган ҳолда жами 1172 та қурилиш қилингани маълум бўлди. Бу — қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлардан бошқа нарса эмас.

Шунингдек, шаҳар марказида хусусийлаштирилган турар жойларга қўшимча равишда уй, молхона, ҳаммом, ҳожатхона, гараж, тандир, айвон, дўкон ва хўжалик аҳамиятидаги бошқа иншоотлар ўзбошимчалик билан қурилмоқда. Бу ҳам етмагандай уйлар атрофи пахса девор билан ўраб олиниши оқибатида кўчаларга ўт ўчириш, «Тез ёрдам» машиналарнинг кириши амримаҳол бўлиб қолган. Бундай ўзбошимчаликларни «Олтинкўл» маҳалласида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги 73 хонадон соҳиблари 109 та қўшимча иморат қуришган. Турли андозадаги, турфа рангдаги баланд-паст бинолар, шубҳасиз, шаҳар кўркини бузаяпти.

Кези келганда, хусусий ҳаммомлар тўғрисида ҳам гапириб ўтиш жоиздир. Ҳозирги кунда туман марказида қирққа яқин хусусий ҳаммом мавжуд. Айрим хусусий ҳаммом эгалари у ердан чиқадиган оқоваларини тўғридан-тўғри ЮР-24 каналига оқизишаяпти.

Аҳрор ЖЎРАЕВ
"Пахтакор ҳаёти"
(Жиззах),
20.03.2009 йил.

ДЕҲҚОН БОЗОРИДА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

«Ангрен деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти ўз ҳудудини ободонлаштириш, павильон ва ёзги расталарни таъмирлаш баробарида 62 та савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат шохобчаларини очди.

Бу ишга ҳудудда фаолият юритувчи тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам бош қўшишди. Жумладан, замонавий дизайн асосида бунёд этилган «Ангрен-сируз» ошхонаси, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига мўлжалланган янги мажмуа бозор кўркини янада очиб турибди. Бозор раҳбариятининг эътироф этишича, сўнгги бир йил ичида қурилиш ва таъмирлаш ишларига бир миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи
"Тошкент ҳақиқати",
01.04.2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

ТАДБИР

ЎзЭОАВМА: сарҳисоб, масъулият, вазифа

Ўтган йили Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида маҳаллий ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида бир нечта лойиҳаларни амалга оширди.

Жумладан, республикамизда ёшлар учун 200 дан ортиқ ҳудудий телерадиостудиялар ташкил этилди. Лойиҳалар доирасида 5 марта ўқув семинари ва учта медиафорум ўтказилди. Ҳудудий телерадиостудияларнинг моддий-техник базасини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ассоциация томонидан 100 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Натижада ёш журналистлар томонидан турли мавзуларда 130 та кўрсатув тайёрланди. Бундан ташқари, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини хорижий давлатларда ҳам намойиш этиш учун "Форум ТВ" спутник канали самарали иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг кўмагида нодавлат радиостанциялар тармоғи фаолияти йўлга қўйилди.

Яқинда ассоциациянинг юқорида таъкидлаб ўтилган ишларининг мантиқий давоми сифатида "Нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти қуришдаги ролини янада ошириш" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда ЎзЭОАВМА бошқаруви ва экспертлар кенгаши, ЎзНТТ аъзолари, жамоат фондининг васийлик кенгаши, "Эркин фикр" телестудиясининг муассислари кенгаши вакиллари ҳамда 50 га яқин ассоциация аъзолари иштирок этишди.

— Тадбирда электрон оммавий ахборот тарқатиш бўйича ўтган йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар, фаолият тизимини янада ривожлантириш бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, нодавлат радиостанциялар билан ишлаш тизими оқсаётгани, айниқса, мусиқий маҳсулотлардан фойдаланишда кўплаб камчиликларга йўл қўйилаётгани жиддий танқид қилинди. Билдирилган эътирозлардан тегишли хулосалар чиқариб, жорий йилда фаолиятимизни ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қиламиз, — дейди ЎзЭОАВМА бошқаруви аъзоси, "Наврўз" радиостанцияси директори Аъзамхон Ҳакимов.

Конференцияда нодавлат телерадиостанциялар олдида турган асосий вазифалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, мамлакатимизнинг истиқлол йилларида қўлга киритган ютуқларини юртимиз ва хориж мамлакатларига тарғиб қилувчи телемаҳсулотларнинг камлиги, материаллар тайёрлашда эскича қолиплардан фойдаланилаётгани ҳақида ҳам фикр юритилди.

Тадбирда ҳудудий телестанциялар томонидан тайёрланаётган кўрсатувларда таҳлил, муаммолар ва уларнинг ечими ҳақидаги маълумотлар камайиб кетаётгани сабабли ҳар ойда камида 2 та таҳлилий лавҳа тайёрлашга келишиб олинди. Шу билан бирга, иштирокчилар танқидий телемаҳсулотларни тайёрлашда бюртмага асосланиш хунук иш эканини таъкидладилар. Холислик, асосли таҳлил, муаммонинг тўғри қўйилиши ҳамда улар ечимининг кўрсатилишига келишиб олинди.

Бундан ташқари, конференция давомида ривожланиш дастури бюджети ҳам муҳокама қилинди. Дастурнинг 20 фоизидан сал кўпроғи бюджет маблағидан, 30 фоизи ҳомий ва ҳамкор ташкилотлар ҳисобидан, 50 фоизи эса ҳудудий телерадиостанциялар томонидан молиялаштирилади. Баъзи ҳудудий телестанцияларнинг моддий аҳволи яхши бўлмагани сабабли уларга имтиёзли молиявий ёрдам кўрсатишга ҳам қарор қилинди.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ТАДҚИҚОТ

Муҳим қўлланма

Ҳар томонлама етук журналист бўлиш учун бу касб эгаси асосий назарий билимларни мукаммал эгаллаши, улардан ўз ишида энг дастлабки нуқта сифатида фойдаланиши зарур. Зеро, журналистика фани ва амалиётида юз бераётган ўзгаришларни, янги ижтимоий жараёнларни таҳлил қилишда, уларни кенг кўламда ўрганишда журналистика соҳасидаги фундаментал назарияни чуқур ва атрофлича тушуниш ўта муҳим.



Филология фанлари доктори М.Худойқуловнинг "Журналистика ва публицистика" деб номланган ўқув қўлланмасида айнан шу борада илмий тадқиқотлар олиб борилган. Қўлланмада ўрганилган учта асосий масала ўз навбатида алоҳида қисмларга ажратилган: "Оммавий ахборот воситалари назарияси", "Оммавий ахборот воситалари типологияси", "Публицистика, унинг турлари ва жанрлари". Қисмларнинг номланишидан кўриниб турибдики, муаллиф илмий ёндашув ёрдамида, аниқ изчиллик билан профессионал маҳорат асосида уларни тўғри тартибда жойлаштирган ва тадқиқ этган.

Сўз бошида олим кўриб чиқилган тадқиқотларга қисқача тариф берар экан, ҳозирги замонни инсоният оммавий ахборот воситаларисиз тассаввур эта олмаслигини, улар кишиларнинг кундалик турмушига, маънавий ҳаётига нақадар сингиб кетганини алоҳида таъкидлаб, уларни "жамиятнинг қон томирлари"га қиёслайди: "Бугун ер куррасини кўз илғамас қон томирлари сингари қамраб олган оммавий ахборот воситалари кишиларга дунёда бўлаётган воқеа, ҳодисалар тўғрисида ҳар куни, ҳар соат, ҳар сонияда хабар бериб туради, уларнинг онгига, маънавий дунёсига таъсир кўрсатади", дейилади.

Муаллиф ҳар бир мавзуга илмий-назарий ёндашган. Тўхталиб ўтилаётган тушунчаларга тўлиқ таъриф ва тасниф берилган, бу сўзларнинг келиб чиқиш тарихини муфассал изоҳлаган. Матбуот, радио ва телевидение пайдо бўлишига сабаб бўлган ижтимоий-сиёсий вазиятлар ва омиллар шарҳлаб чиқилган. Масалан, журналистиканинг дастлабки тури ҳақида олим асосли равишда ёзадики, "матбуот пайдо бўлишининг сабаблари, аввало, инсоният тарихи, тараққиёти билан боғликдир. Матбуот тарихнинг табиий маҳсулидир, уни инсониятнинг тарихи, ҳаёти, тараққиётидан ажратиб бўлмайди".

Информацион гуруҳ таркибида хабар, ҳисобот, интервью ва репортаж жанрлари тилга олиниб, улар астойдил изоҳланган. Таҳлилий публицистика таркибига эга корреспонденция, суҳбат, мақола, обзор (кузатиш), хат, тақриз ва шарҳ ҳамда уларнинг турлари киритилиб, тушунтириб берилган. Ўзбекистон шароитига хос бўлган бадиий публицистика жанрлари сифатида лавҳа, очерк, эссе, фельетон, памфлет, ҳажвий публицистиканинг кичик жанрларига оид айрим турлари ёритилган. Эссени публицистик жанрлар таркибига киритиш ҳам мамлакатимиз журналистикаси назариясида янги гап.

Мавзудан кейин берилган саволлар эса талабанинг ўзлаштириш даражасини аниқлашда, материални такрорий кўриб чиқишида кўмаклашади.

Журналистика ва публицистика назарияси бўйича бундай батафсил ёзилган қўлланма мазкур йўналиш бўйича унча ҳам кўп бўлмаган асарлар ичида муносиб ўрин эгаллаб, ҳар бир ўқувчига кенг маънода билим беради. Китобнинг давлат тилида чиқиши, айниқса, муҳим ва эътиборлидир.

Файзулло МЎМИНОВ,
профессор.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАЪЛИМ

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

борасида Сурхондарё вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда

Узлуксиз таълимнинг асосий бўғини ҳисобланган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида амалга оширилаётган ишлар кўлами йилдан-йилга ортиб, ҳатто энг чекка қишлоқларимизни ҳам қамраб олмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг шаҳарларидагина эмас, ҳатто энг чекка ҳудудларида ҳам бир-биридан кўркам коллежлар ва академик лицейлар қурилиб, фойдаланишга топшириляпти. Айни кунларда 88 та касб-ҳунар коллежи ва 3 та академик лицейда 87113 нафар йигит-қиз 117 турдаги мутахассисликлар бўйича таълим ва касбий кўникма олишаётир.



Вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда яна 18 та касб-ҳунар коллежи ва 1 та академик лицей қурилиши режалаштирилган. Бу иш амалга ошгач, 2009-2010 ўқув йилидан бошлаб вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини юз фоиз касбий таълимга жалб қилиш имконияти яратилади. Бунга эришишда вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосий омил бўлаётганини таъкидлаб ўтиш лозим. 2007-2008 ўқув йили давомида умумтаълим мактаблари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари учун бир неча марта «Очиқ эшиклар куни» ва «Касблар фестивали» каби тадбирлар ўтказилиб, уларда 40 минг нафардан ортиқ йигит-қиз, уларнинг ота-оналари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда халқ таълими муассасалари ходимлари иштирок этди.

— Бундай тадбирлар натижасида битирувчиларни доимий иш билан таъминлашга эришаяпмиз, — дейди вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Тўлқин Мардонақулов. — Бундан ташқари, туман ҳокимликлари ва турли жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркаларининг самараси ҳам сезиларли бўлаяпти. Жумладан, ўтган йили ўтказилган меҳнат ярмаркасида 961 та корхона ва ташкилот 5780 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Битирувчиларимизнинг 1996 нафари иш билан таъминланган бўлса, 576 нафарига турли хил маслаҳатлар берилди. Умуман олганда, ўтган ўқув йилида касб-ҳунар коллежларини битирган 16655 нафар йигит-қизнинг 91,5 фоизи ёки 15237 нафари иш билан таъминланди.

Бошқарма томонидан республикамиз Президентининг мамлакатимизда кичик бизнесни ривожлантириш, айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори даражага кўтариш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш ҳамда



иш билан банд бўлмаган ёшларнинг асосий қисмини шу соҳага жалб этиш тўғрисидаги кўрсатмаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлиллар ўтган ўқув йилида айнан хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида касб-ҳунар ўрганган ёшлар, хусусан, ёнилғи-мойлаш материаллари йўналиши бўйича битирган ёшларнинг 93 фоизи, тикувчилик ва маиший хизмат йўналишида таҳсил олганларнинг 93,3 фоизи доимий иш ўрни билан таъминланганини кўрсатади.

Шу билан бирга вилоят бўйича 126 нафар коллеж битирувчиларига айнан қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун 135 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиб, уларнинг ўз фаолиятларини бошлашига яқиндан ёрдам кўрсатилган. Эътиборли жиҳати шундаки, касб-ҳунар ўрганиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшларга айнан ўқув юртида олган амалий кўникмалари қўл келмоқда. Коллежлардаги ишлаб чиқариш воситалари, техника ва қишлоқ хўжалиги машиналаридан тадбиркорлик йўналишида оқилона фойдаланилгани натижасида қўшимча даромад олишга ҳам эришилди. Пировардида 106,5 миллион сўм олишга муваффақ бўлинди.

ШЎРЧИДАГИ НАМУНАЛИ ЎҚУВ МАСКАНИ

Вилоятдаги соғлиқни сақлаш тизимини малакали кичик тиббий ходимлар билан таъминлайдиган асосий билим даргоҳларидан бири ҳисобланган Шўрчи тиббиёт коллежида бугун 1314 нафар талаба уч йўналишда таълим олмоқда. Ўтган йилда ушбу ўқув масканини битириб чиққан 301 нафар ёшнинг 210 нафари доимий иш билан таъминланди. Хусусан, Денов, Узун, Қумқўрғон, Олтинсой туманларидаги даволаш-профилактика муассасалари, шунингдек, Шўрчи туман бандликка кўмаклашувчи марказ билан ўзаро ҳамкорликка асосланган шартномалар тузилгани битирувчиларни иш билан таъминлашда қўл келмоқда.

Билим даргоҳи билан танишиш чоғида ўқув маскани директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари Икром Саидов амалга оширилган ишлар билан таништирди. Хизмат юзасидан кўпгина касб-ҳунар коллежларида бўлишимизга тўғри келади. Бироқ, Шўрчи тиббиёт коллежидаги ораставлик, ободончилик ишларини бошқа жойларда учратмайсиз десак, муболаға бўлмайди. Беш гектардан ошиқроқ майдон юз фоиз мевали боғга айлантирилган. Эрта баҳорда бу ерга яна 500 тўп мевали дарахт ниҳоллари, 100 туп ток кўчати ҳамда 1100 тўп атиргуллар ўтказилибди.

— Ўйлаб қарасам, кўп жойда беҳи дарахтлари деярли йўқолиб кетибди, — дейди Икром ака янгидан барпо этилган беҳизорни кўрсатар экан. — Ваҳоланки 30-40 йиллар олдин беҳи дарахтлари ўсмаган хонадонни учратиш амримаҳол эди. Шуни ҳисобга олиб, яхши ният билан шу боғни яратдик. Шояд ташаббусимиз қулоч ёйиб, беҳизорлар яна кўпайса... Ахир, шифобахшликда унга ҳар қандай мева ҳам тенг келавермайди. Бу ерлар илгари ташландиқ жой эди. Уларни ўзлаштириб сабзавот, полиз маҳсулотларини етиштираяпмиз. Ҳосилнинг бир қисми талабалар ошхонасида ишлатилса, қолган қисми қўшимча даромад бераяпти.

Коллежда маънавият-маърифат ишлари ҳам яхши йўлга қўйилгани боис кейинги йилларда вилоят, республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, спорт мусобақалари ва бошқа йирик тадбирларда коллеж ўқувчилари юқори кўрсаткичларга эришмоқда. 46 та фан тўғараги ва 10 та спорт секциясида жами 700 нафар йигит-қиз мунтазам шуғулланиб келаётгани ана шундай ижобий кўрсаткичларга етаклаётган бўлса, ажаб эмас.

БЎЛАЖАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР

Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўл тармоғи ишга тушгач, воҳада саноатни, хусусан, нефть-газ, тоғ-кон саноатини ривожлантириш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Жумладан, бу ерда давлат дастурларига кўра, йирик саноат корхоналарини барпо этиш мўлжалланган. Энг муҳими, келгусида уларни малакали мутахассислар билан таъминлашга ҳозирдан киришилган. Жаркўрғон саноат касб-ҳунар коллежи ана шундай кадрларни етказиб берувчи билим даргоҳларидан биридир.

Дастлаб вилоятдаги тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарига кичик мутахассислар етказиб бериш мақсадида ташкил этилган ушбу ўқув даргоҳида эндиликда нефть ва газни қайта ишлаш, ташиш ва сақлаш, бурғулаш ишлари каби 16 йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ерда машғулотларни амалиёт асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун барча қулайликларга эга бўлган ўқув амалиёт устахонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчилар олган назарий билимларини энг замонавий тўқув, тикув дастгоҳларида синаб кўрадилар. Коллеж биносининг шундоқ рўпарасида жойлашган йирик тўқимачилик корхоналаридан бири «Сурхонтекс» қўшма корхонасида олиб бориладиган тажриба-амалиётлар эса ёшларнинг бевосита ишлаб чиқариш жойида касбий кўникма олишларида қўл келмоқда. Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш ва «Сурхонпармалаш» корхоналарида ҳам ўқувчиларнинг амалий машғулотлар ўтказишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган.

— Мамлакатимиздаги табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, айниқса, нефть, газ хомашёси ва бошқа ер ости қазилма бойликлари захирасини аниқлаш бўйича катта ишларга қўл урилган, — дейди коллеж директори Раъно Гаимова. — Хонжизада йирик тоғ-кон металлургия мажмуаси қурилиши бошлаб юборилган бўлса, Бойсунда хорижлик мутахассисларнинг нефть ва табиий газ захираларини аниқлаш бўйича қидирув ишлари якунига етди. Аниқланган ер ости бойликларини қайта ишлаш учун фаолиятимизни қайта кўриб чиқиш тақозо этилади. Хусусан, саноат корхоналарида ишлашга ихтисослашган кадрлар тайёрлашга тўғри келмоқда. Биз бунга тайёргарликни ҳозирданоқ бошлаб юборганмиз. Бугунги талабаларимиз бунёд этиладиган гигант корхоналар учун қалдирғоч мутахассислар бўлишига ишонаман.

Касб-ҳунар даргоҳида, айниқса, спорт ва фан тўгараклари фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани, талабаларнинг ўқишдан бўш вақтларида бу тўгаракларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳам эътиборимизни тортди. Биргина таэквандо тўгарагига 50 нафарга яқин йигит-қизлар қатнар экан. Спортнинг бу турига қишлоқ қизларининг иштирок этиб, ютуқларга эришаётгани таҳсинга сазовор. Масалан, Ирода Хидирова бир неча марта республикада фахрли ўринларни олишга муваффақ бўлди. Ортиқ Худойбердиев эса шарқона яккакурашнинг шу тури бўйича Кореяда бўлиб ўтган турнирда хорижлик мутахассислар назарига тушди. Ирода спортда эришаётган ютуқлардан ташқари бадиий ижодда ҳам тенгдошларига ўрнак бўлаяпти. У 2007 йилда «Зулфияхоним қизлари» танловининг республика босқичида иштирок этиб, илк шеърий тўпламини ўқувчиларга тақдим этди. Коллежнинг яна етти нафар иқтидорли ва зукко ёшлари «Ўйла, изла, топ» республика телевизион танловининг ўтган йилги босқичида муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 2-ўринни олиб қайтишди. Албатта, буларнинг барчаси коллеж жамоасининг тинимсиз изланишлари туфайлидир.

Хуллас, бу каби ижобий саъй-ҳаракатлар вилоят ўрта махсус касб-ҳунар тизимида олиб борилаётган ишларнинг замон талаблари даражасида олиб борилаётганидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда вилоятда баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор берилаяпти.

Даврон ОРИПОВ,
«Hurriyat» мухбири. ®

ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИ АЙБЛАДИ



Молдова президенти Владимир Воронин мамлакатда бўлиб ўтган тартибсизликларнинг келиб чиқишида Сербия ва Руминия фуқароларини айблади. Бу ҳақда у Испаниянинг El Pais газетасига берган интервьюсида айтиб ўтди.

Ворониннинг қайд этишича, Кишиневдаги вазиятни издан чиқариш учун 7 апрель куни Сербиядан тўққиз киши келган. Уларнинг бири АҚШнинг қандайдир ташкилоти ходими сифатида ҳужжатларини кўрсатган. Молдова президенти, тартибсизликларнинг келиб чиқишида Руминия махсус хизмати вакилларининг қўли борлигини ҳам қайд этди.

Молдова раҳбари Кишиневда бўлиб ўтган тартибсизликларни Грузия, Украина ва Қирғизистондаги рангли инқилоблар билан тенглаштирди. Унинг таъкидлашича, тўполонларнинг ташкилотчилари тегишли жазосини олади.

Эслатиб ўтамиз, Молдовада рўй берган тартибсизликлар натижасида бир нафар киши ҳалок бўлди, 270 нафар киши тан жароҳати олди.

ҚАРОҚЧИЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ ЯНГИ ЙЎЛИ

АҚШ мудофаа вазирлиги сомалилик қароқчиларнинг ердаги базаларига ҳужум қилишни ва Сомали ҳукуматига уларга қарши курашда ёрдам беришни режалаштираяпти. Bloomberg тарқатган хабарда айтилишича, Пентагон Сомалига ўзига тегишли қирғоқларни қўриқлаш учун денгиз пиёдаларини тайёрлашда кўмаклашади. Бу ҳақдаги ҳужжат яқин кунларда АҚШ президенти маъмуриятига юборилади.

Сомалилик қароқчилар томонидан Аден кўрфазида деярли кунаро босқинчилик амалга оширилаяпти. Бунга қарши БМТ резолюциясига биноан АҚШ, Россия, Франция, Испания, Канада, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Корея ҳарбий кемалари қўриқчилик қилмоқда. Аммо босқинчилик камаймаяпти.

ИНҚИРОЗГА ДОШ БЕРОЛМАДИ

Германия ҳукумати мамлакатда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Hypo Real Estate ипотека агентлигини национализация қилишга қарор қилди. Матбуот хабарларига қараганда, ҳукумат акционерларга ҳар бир акция учун 1,39 евро (1,85 доллар) тўлашни таклиф этаяпти. Сал аввалроқ ҳукумат ипотека агентлигининг 23,7 фоиз акциясига эга бўлган JC Flowers компанияси билан музокаралар олиб бораётгани тўғрисида хабарлар тарқалган эди.

Hypo Real Estate глобал иқтисодий инқироздан жиддий зарар кўрди. Чунки у АҚШ ипотека бозорига анча маблағ сарфлаб қўйган эди. 2008 йил якуни бўйича агентликнинг умумий зарари 5 миллиард 460 млн. еврони ташкил этди. Шунинг учун унинг банкрот бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳукумат каттагина кредит ажратди.

BOEING МАҲСУЛОТИНИ КАМАЙТИРМОҚЧИ

Дунёдаги энг катта авиаконцернлардан бири АҚШнинг Boeing концерни самолёт ишлаб чиқаришни қисқартирмоқчи. 2010 йилнинг июнь ойидан бошлаб ҳар ойда аввалгидек еттита эмас, бешта Boeing 777 самолёти тайёрланади. Шунингдек, Boeing 747-8 ва Boeing 767 лайнерларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалари ҳам бекор қилинди.



2009 йилнинг биринчи чорагида концерн кўзланган фойдани олмагани учун шундай қарорга келди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир акциядан келадиган даромад 0,38 долларга камайган.

Жорий йилнинг март ойи охирида Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси 2009 йилнинг февраль ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йўловчи ташиш 10,1 фоизга қисқарганини эълон қилди. Йўловчи ташишнинг қисқаришига авиакомпаниялар хизматига талабнинг камайиши сабаб бўлмоқда.

ОТТАВА КОНВЕНЦИЯСИГА БИНОАН

Туркия Оттава конвенциясига биноан ўзининг пиёда қўшинларга қарши миналарининг ярмини қисқартирди. Расмий Анқара юқоридаги конвенцияга 2004 йилда қўшилган эди.

Туркия армиясининг қуролларни йўқ қилишга масъул бўлган генерали Зафер Акалин The Associated Press мухбирига мамлакат қуролли кучлари ихтиёрида нечта мина борлигини айтмади. Аммо Кириккале шаҳридаги заводда уларнинг ярми йўқ қилинганини таъкидлади. Айрим экспертлар Туркия армиясида юз бундай ўлим қуролининг минглаб донаси борлигини айтишмоқда.

Пиёда қўшинларга қарши миналарни ишлатишга қарши Оттава конвенциясига 150 дан кўпроқ давлат қўшилган. Улар орасида ушбу қуролнинг катта заҳирасига эга бўлган АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Исроил каби давлатлар бор.

ДАРАКЛАР

МЕҲМОНХОНАЛАР КЎПАЯДИ

2010 йилнинг охиригача Дубайда 35 та янги меҳмонхона қурилади. Матбуот хабарларида айтилишича, деярли ҳаммаси беш юлдузли мазкур отелларда бир вақтнинг ўзида 17 278 нафар сайёҳ жойлашиш имконига эга бўлади. 10 та меҳмонхона "Пальма-Жумайра" оролида бунёд этилади.

Кейинги йилларда Дубайда эконом-класс меҳмонхоналарга ҳам талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун бир неча шундай меҳмонхоналар қуриш ҳам кўзда тутилган.

Илгари 2009 йилдан бошлаб Дубайга ҳар йили 15 миллионга яқин сайёҳ келади, деган тахминлар айтилган эди. Аммо иқтисодий инқироз туфайли сайёҳлар сони бироз камайиши мумкин. Шундай бўлса-да, мамлакатда меҳмонхоналарга талаб ортиб бормоқда. Шунинг учун бу ерда осмонўпар бинолар ва меҳмонхоналар қурилишига катта эътибор қаратилган.

ЁЗУВЧИНИНГ УЙИ СОТИЛАДИ

Машҳур инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенс яшаган уй кимошди савдосига қўйилди. Бу уй Буюк Британиянинг Кент графлиги ҳудудида жойлашган. The Times газетасининг ёзишича, уйнинг бошланғич баҳоси 2 миллион фунт стерлинг этиб белгиланди.

Ёзувчининг "Совуқ уй" романи номи билан аталувчи мазкур икки қаватли кошона 1801 йилда бунёд этилган ва қимматбаҳо тошлар бизнеси билан шуғулланувчи маҳаллий ишбилармонга тегишли.

2006 йилда уйда ёнғин бўлган ва унинг икки хонаси жиддий зарар кўрган эди. Уни тиклашга 40 минг фунт стерлинг сарфланган. Маълумотларга қараганда, Диккенс бу уйда 1837-59 йилларда яшаган ва «Дэвид Копперфильд» романи ҳамда бошқа асарларини ёзган.

ТАФСИЛОТ

СЎЗ БОШҚА, ИШ БОШҚА...

АҚШда мамлакат Марказий разведка бошқармаси терговчилари томонидан тергов пайтида маҳбусларга нисбатан қўлланилган қийноққа солиш усуллари бўйича Халқаро Қизил хоч жамиятининг маърузаси эълон қилинди. Америка ҳукумати вакиллари учун тайёрланган мазкур маъруза кутилмаганда The New York Review of Books журналининг интернет сайтида пайдо бўлди.

Маълумки, 2006 йилнинг охирида Марказий разведка бошқармасининг Европадаги махсус қамоқхоналари ҳақида гаплар пайдо бўлгандан сўнг АҚШ ҳукумати Халқаро Қизил хоч жамияти аъзоларига Гуантанамода сақланаётган 14 нафар ҳарбий асирлар билан учрашиб, гаплашишга рухсат берган эди. Аслида Женева конвенциясига биноан Халқаро Қизил хоч ташкилоти вакиллари ҳарбий асирлар билан ҳеч бир қаршиликсиз учрашиш ва уларга яратилган шароит билан танишиш ҳуқуқига эга.

ХҚХ вакиллари Яман, Саудия Арабистони, Покистон, Малайзия, Индонезия, Сомали, Танзания ва Ливан фуқаролари бўлган асирлар билан учрашдилар. Улар орасида ўзини 2001 йилнинг 11 сентябрь куни Нью-Йоркда амалга оширилган террорчилик актининг бош ташкилотчиси, деб эълон қилган Холид Шайх Муҳаммад ҳам бор.

"Ал-Қоида" ва бошқа террорчилик гуруҳларига аъзо бўлган бу маҳбусларга нисбатан АҚШ ҳарбийлари "террорга қарши уруш" эълон қилингандан пайтда "кучайтирилган тергов усуллари"да иш олиб боришган. Буни 14 маҳбуснинг тўққизтаси тўла тасдиқлади.

Хўш, бу усул нималардан иборат? МРБ терговчилари асирларни турли қийноқларга солишган. Масалан, оёғини баландга кўтариб бошини сувга тиқишган. Шунингдек, қўлини бошининг орқасига ўтказиб боғлаб қўйиб, бир неча кун тик туришга мажбур қилишган. Бундан ташқари бир неча кун совуқ камерага қамаб қўйишган, электр токи билан қийнашган, ОИТС инфекциясини юқтириш, аёли, фарзандларини зўрлаш билан қўрқитишган.

Текширув натижасида Халқаро Қизил хоч ташкилоти вакиллари АҚШ ўз бўйнига олган халқаро мажбуриятларни бажармаётгани ҳақида 43 бетдан иборат маъруза тайёрладилар. Бундан ташқари террорчилар сақланаётган бошқа қамоқхоналарда ҳам текширув ўтказиш лозим деган фикрга келдилар.

Маъруза матбуотда эълон қилинганда Марказий разведка бошқармаси аъзолари жим туришни лозим топишди. Аммо ҳукумат вакилларидан бири "Шуни унутмаслик керакки, маърузада фақат террорчилар томонидан айтилган гапларгина баён қилинган", дея баёнот берди. Бетарафлик позициясида турадиган ХҚХ ташкилоти маърузада нусхаси қандай қилиб интернетда пайдо бўлганидан таассуф билдирди.

Интернет сайтда маъруза билан бирга Калифорниядаги Беркли университети журналистика факультети профессори Марк Дэннернинг иккита мақоласи ҳам эълон қилинган. Улар журналнинг апрель сонида босилган. У ўз мақолаларида бу қийноқларга тиббиётчилар ҳам алоқадор эканини айтади. Маркнинг таъкидлашича, МРБ ҳисобида турувчи тиббиётчилар бир неча қийноқлар пайтида, масалан, маҳбусларни оёғидан осиб калласи сувга тиқилган пайтда шу ерда бўлишган. Уларни маҳбусларнинг соғлиги ёки ҳаётини сақлаб қолиш эмас, терговда бирор натижага эришиш масаласи қизиқтирган. Ҳатто терговчилар врачлардан қайси усулларда қийнашни давом эттириш, қайси усул яхшироқ натижа бериши мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар олишган. Халқаро Қизил хоч ташкилоти ушбу далилларни асос қилиб, маърузада "тиббиёт этикаси қўпол равишда бузилгани"ни таъкидлайди.

Халқаро Қизил хоч ташкилотининг маърузаси эълон қилингандан сўнг МРБ вакили сўзга чиқди. Бошқарма вакилининг таъкидлашича, МРБ қийноқ билан сўроқ ўтказиш услубига бутунлай барҳам беради. Разведка бошқармаси президент фармонларини бажаради. Ҳақиқатан ҳам АҚШнинг янги президенти Барак Обама ўз фаолиятини бошлаши билан МРБнинг чет эллардаги қамоқхоналарини, хусусан, Гуантанамони ёпишга буйруқ берди.

МРБ раҳбарлари бир неча марта асирларни қийноққа солишда иштирок этган аскарларни қонуний жазолаш ҳақида ваъда берган бўлсада, бу ваъда ваъдалигича қолиб кетди.

Ушбу маъруза натижалари ўзини демократия ўчоғи деб ҳисобловчи АҚШнинг сўзи ва иши бошқа-бошқа эканлигини яна бир бор жаҳон афкор оммасига намойиш этди. Расмий Вашингтон бошқалардан халқаро қонун ва ҳужжатларга амал қилишни талаб қилади-ю, ўзи уларга амал қилмайди. ХҚХ ташкилотининг маърузаси бунинг исботидир.

Интернет ва хориж матбуоти хабарлари асосида
Дилноза ТУХЛИБАЕВА
тайёрлади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

O‘ZSANOATQURILISHBANK

Дунёдаги ривожланган давлатлар ҳам бугун иқтисодий инқироздан қандай халос бўлиш хусусида бош қотираётгани барчага маълум. Инқироз ҳар қандай мамлакатга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. Халқ ибораси билан айтганда «ингичка узилиб, йўғон чўзиладиган» бугунги вазиятда молиявий муассасалар зиммасига янада катта масъулият юкланиши табиий. Юртимизда фаолият олиб бораётган кўпгина банклар, хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва тадбиркорларга ҳар томонлама тиргак бўлишда беминнат хизмат қилаётган энг йирик банклардан биридир. Молиявий муассаса эришаётган бу муваффақиятларнинг асосий негизи аввало, тақдим этилаётган банк хизматлари сифати ва тури ортиб бораётганида бўлса, иккинчидан мижозларга малакали ва тез хизмат кўрсатиш ҳисобланади.

Айни пайтда 10654 та мижозга хизмат кўрсатаётган “Ўзсаноатқурилишбанк” Тошкент шаҳар минтақавий филиалининг ўз олдига қўйган асосий тамойили — мижозларга юқори сифатли молиявий хизматларни таклиф этиш ва истиқболли ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

БАРҚАРОР ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

КРЕДИТ ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Молия муассасаси томонидан амалга оширилган кредит қўйилмалари асосан ёқилғи-энергетика, кимё, машинасозлик сохалари, хусусий тадбиркорликни ҳамда кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Жумладан, 2008 йилда кредит қўйилмалари миқдори 91,7 млрд. сўмга етказилган бўлса, шундан 9,9 млрд. сўми лизинг амалиётига тўғри келади.

Ҳозир банкларнинг замонавий хўжалик тизимида истеъмол кредити билан боғлиқ фаолияти диққатга сазовордир. Мазкур молиявий муассаса республикамизда биринчилардан бўлиб, ушбу масалага алоҳида (инновацион тарзда) эътибор қаратиб, уни кенг кўламда ўз мижозларига тақдим этди. Айниқса, кредит-омонат механизмининг жорий этилгани “Ўзсаноатқурилишбанк” инновация жараёнларининг изчиллигидан дарак беради. Хусусан, ўтган йили аҳолига 4,1 миллиард сўмлик истеъмол, 8,9 миллиард сўмлик ипотека кредитлари берилгани ҳам фикримизнинг далилидир.



Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли тармоқларига 51,5 млрд. сўм кредитлар ажратилиб, натижада 1855 та янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, «O‘zgeoburg‘uneftgazqazibchiqarish» акциядорлик компанияси-га “Шўртангазкимё” мажмуасининг қурилишига ва «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонасига узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Унинг ҳисобига бунёд этиладиган объектнинг мақсади Фарғона водийсининг электр кувватига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондиришдан иборат.

Тошкент шаҳар маҳаллий транспорт паркини янгилаш мақсадида “Тошшаҳартрансхизмат” уюшмасининг корхоналарига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган «Исузу» автобусларини сотиб олиш мақсадида бўнак тўловларини амалга ошириш учун кредит маблағлари ажратилганини ҳам қувонч билан тилга олиш мумкин. Шунингдек, «Ren poligraf» масъулияти чекланган жамиятига Хитой Халқ Республикасидан чиқинди қоғозларни қайта ишлаб чиқарувчи ускуналарни сотиб олишга, «Bilol Polvon» хусусий корхонасига рангли пластик маҳсулотларни тайёрлаш учун асбоб-ускуна сотиб олишга ҳамда «Summit Trading» масъулияти чекланган жамиятига хориждан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини олиб келиш учун узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

КИЧИК БИЗНЕСГА ЭЪТИБОР

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун жами 25,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилгани натижасида 352 та қўшимча иш ўринлари яратилди. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи ва ривожлантирмоқчи бўлганларга қаратилмоқда. Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ, ишбилармон хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун 55 нафар тадбиркор аёлга жами 5 миллиард 651 миллион 200 минг сўм миқдорида кредитлар берилди ва бунинг ҳисобига жойларда 150 та янги иш ўринлари яратилишига муваффақ бўлинди. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис сохасини ривожлантиришни жадаллаштиришга йўналтирилган 5 миллиард 294 миллион 100 минг сўм кредит эвазига 188 та янги иш ўрни яратилди.

ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҚУЛАЙ ВА ТЕЖАМЛИ

Маълумки, бугун дунё миқёсида пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш кенг тарқалган. Республикамизда ҳам ана шундай усулда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ривожланиб бормоқда. Шу кунгача “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали томонидан жами 807 та мижоз билан иш ҳақи лойиҳаси бўйича пластик карточкалар жорий этиш мақсадида шартномалар тузилган. Молиявий муассаса мижозлари халқаро VISA пластик карточкалари орқали ҳисоб рақамларида сақланаётган миллий валютадаги маблағлари учун белгиланган миқдорда фоиз даромадларини оладилар. Шунингдек, банкда SMS-банкинг хизмати, Интернет орқали тўловларни амалга ошириш ҳам йўлга қўйилган. Зарур маҳсулотларни ҳарид қилиш истагидаги фуқароларга пластик карточкалар орқали “чорсу” савдо маркази, “Шарқ мир” (Демир), “Метро” маркет, “Зарқайнар” ва “Агат Елит” каби супермаркетларидаги терминаллар орқали хизмат кўрсатилмоқда.



Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини камайтириш ва аҳолини пластик карточкаларга қизиқтириш мақсадида турли хил акциялар ўтказиб келаяпти. Хусусан, ўтган йилнинг 25 октябридан 25 декабригача ҳам ана шундай пром-акция ўтказилди. Унда 6 мингдан зиёд пластик карточка эгалари қатнашди ва ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ОМОНАТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали томонидан жорий этилган омонатлар аҳоли даромадларини оширишда муҳим омил бўлаётгани қувончлидир. Бугунги кунда жамғарма кассалари орқали фуқароларга 30 дан зиёд миллий ва 5 та хорижий валютада омонат турлари таклиф этилаяпти. Жумладан, хозир «Янги йил совғаси» омонатига аҳолининг бўш пул маблағлари 6 ой муддатга, «Наврўз туҳфаси» пул ютуқли омонатига эса 1 йилдан кам бўлмаган муддатга, «Ниҳол» номли омонатга 18 ой муддатга аҳолининг миллий валютадаги бўш пул маблағлари жалб этилмоқда. Шунингдек, «Имконият» омонатига 18 ой муддатга хорижий валютада маблағлар қабул қилинаяпти. Бу омонатчиларга 18 ой давомида ойлик фоизларини олиб фойдаланишларига имкон яратади. Омонатларга ҳисобланадиган фоиз даромадларининг юқорилиги, сақлаш муддатининг турлича экани ҳамда фуқароларнинг ўз даромадлари фоиз миқдорини ҳар ойда олиб фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги омонатларнинг оммалашувига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга аҳолини омонатларга булган ишончини янада мустаҳкамлаш мақсадида буюм ютуқли «Омад» номли омонат тури жорий қилиниб, 1-ютуқлар тиражи натижалари буйича 6 та «DVD Плеер», 3 та телевизор «Roison», 3 та «CD Плеер», 1 та радиотелефон, 1 та микротўлқинли иситгич, 1та компьютер P-4, 2 та Блендер, 1 та уяли алоқа телефони омонатчиларга ютуқ сифатида тантанали равишда топширилди.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан омонатга маблағ қўйиш тартиблари қайта кўриб чиқилиб, энг кичик ва энг юқори бадал миқдорлари бекор қилинди. Республикамизда «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилингани ва шунга асосан «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» ташкил этилгани ҳамда аҳоли омонатларининг тўла ҳажмда кафолатланиши мижозларни хушнуд этиши табиий. “Ўзсаноатқурилишбанк”да омонатчилар томонидан қўйилган ҳар бир сўмни омонатчининг хоҳишига кўра тасарруф этишига ҳуқуқий пойдевор яратилган бўлиб, банк бу борада ўз зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Шу билан бирга, жамғарма кассалар орқали аҳолининг бўш пул маблағларини мавжуд омонатларга қабул қилиш, аҳолидан коммунал ва бошқа пуллик хизматлардан ташқари, уяли алоқа компаниялари хизматидан фойдаланиш, «Экспресс тўлов» карточкалари орқали тўловларни қабул килиш, PAYNET компаниясининг махсус дастури орқали уяли алоқа компаниялари хизмат тўловларини, IP-телефон хизмати ва Интернет тармоғига кириш хизматларини қабул ишларини бажаради, жисмоний шахсларни хорижий валютадаги халқаро пул ўтказмалари амалиётини «CONTACT», «MIGOM», «INTEREXPRESS», «BLIZKO» ва «WESTERN UNION» тизимлари орқали амалга оширади.

Банк тасарруфидаги махсус кассалар томонидан аҳолидан коммунал ва бошқа пуллик хизматлар, PAYNET компаниясининг махсус дастури орқали уяли алоқа компаниялари хизматлар, IP-телефон хизмати ва Интернет тармоғига кириш хизматлари учун пул маблағларини қабул килади. Сайёр кассаларга ишга жалб қилинган ходимлар томонидан эса аҳолига қулайлик яратиш мақсадида, улар истиқомат килаётган жойларга чиқиб, коммунал тўловларини қабул қилади.

Дарҳақиқат, «Ўзсаноатқурилишбанк» мижозлар учун энг ишончли ва барқарор молиявий ҳамкорлардан биридир. Молиявий муассасанинг юқорида таъкидлаганимиздек, ўз фаолият кўламини янада кенгайтириб, халқимизга малакали ва сифатли хизмат кўрсатиб келаётгани таҳсинга сазовор. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида молиявий муассасаларга катта ишонч билдириб, иқтисодий инқироз шароитида банклар олдига қўйиладиган вазифаларни белгилаб бергани бежиз эмас. Бу асар мамлакатимизда фаолият олиб бораётган молиявий муассасаларга, хусусан, «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси ҳамда унинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали ходимларининг келгусида амалга оширадиган ишларида асосий дастур бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ислом СУЛТОНОВ,
“Hurriyat”мухбири. ®

КИНО ТАҚРИЗ

ДОВОН ОШИШ ЗАВҚИ ВА МАШАҚҚАТИ

ёки янги бадиий фильмлар ҳақида айрим мулоҳазалар

Киночилар уйида “Ўзбеккино” миллий агентлиги томонидан ўтган йили яратилган бадиий ва анимацион фильмларнинг кўриги бўлиб ўтди. Кўрикнинг сўнгги куни киноижодкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ижодий баҳс, анжуман ташкил этилди. Унда ҳозирги пайтда яратилаётган фильмларнинг ютуқлари билан бир қаторда камчиликлари ҳақида ҳам очиқ-ойдин фикрлар айтилди. Қуйида мақола муаллифи ҳам янги кинофильмлар ҳақида ўзининг холис кузатувларини баён этади.

Мутолаа вақти камайиб экран томошаси дамлари ортиб бормоқда. Китобхоннинг кино-телетомошабинга айланиб бориши жаҳон миқёсида рўй бермоқда. Маълум бўлишича, Россияда томошабин сони китобхонларга қараганда ўн марта кўп экан. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Режиссёрлик даъвосидаги хонандалар, эстрада ходимлари, баъзи “олғирлар” бу ҳолни фаҳмлаб кетма-кет “асарлари”ни ясаб экранга узатишга киришиб кетдилар. Махсус олийгоҳда режиссурадек мураккаб санъатни ўрганмаган, бинобарин, кишининг синтетик табиатини, эстетик имкониятлари билан бирга чегараларини, кинонинг телевидениедан фарқ қилишини, мусиқанинг ранги, бўёқларнинг оҳанги борлигини, овоз тасвирни қайтариши ҳақида эмас, уни тўлдириши, унга қарши қўйилиши борасида жаҳон кинематографияси орттирган тажрибадан бебаҳра ҳолда лекин режиссёрлик даъвосида юрганларнинг сони ортиб бормоқда.

Мақоламиз дебочасида бу ҳақда озгина фикр юритишга мажбур бўлдик. Зеро, метро бекатида, кўчада, ҳатто бозорда кундалик ташвишлар билан юрганимизда ҳамшаҳарларимиз, шаҳримиз меҳмонлари хусусий студиялар маҳсулотларининг савияси ниҳоятда паст экани ҳақида сўзлаб, кўпдан-кўп саволларни берадилар. Бундай нурсиз тасмалар миллий кино санъатимизнинг анча кўркам манзарасига соя ташлайди. Улар кинематографиямизни кечаги кун ботқоғига тортиш билан бирга тилимизнинг «супуринди»дан холи бўлиши, лексикамиз бойишига тўсқинлик қилиши, томошабиннинг бадиий дидига таъсир этиши, ҳатто генофондга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Шу боис уларни таҳлил қилишда сийловга йўл қўймаслик, баҳолашда эстетик мезонларга амал қилиш зарурлигини алоҳида қайд этиб ўтардик. Биз назарда тутаётган “асарлар”нинг рўйхатидан олинган бир-икки фильмни эслатиб ўтайлик. “Мунис она” (бу йиғлоқи, заиф фильм телеэкранда кўрсатилгани таажжубга солади кишини), “Улфатлар”, “Қайтмас” “Супер қайнона”, “Анора”, “Бир ўлиб кўрай-чи”, “Жазо”. Бу тўғрисида хусусий студияларнинг маҳсулотларига бағишланган давра суҳбатини ташкил этиш, мулоҳазаларни матбуот саҳифасида чоп этиш зарур деб ўйлайман.

Суратга олиш майдони кенгайгани, жанр ранг-баранглиги, янги ўзбек киносини яратиш йўлидаги изланиш, турли бадиий оқимлар, ижод усулларининг қарор топаётгани, муҳими, бугунги куннинг долзарб масалаларини ёритишда янги эстетик шакллардан, образли воситалардан фойдаланиш жараёни давлат студиялари фаолиятига таъриф, тавсиф беради. Кинодраматургия, қаҳрамон танлаш ҳамда унинг бадиий талқинини таъминлаш борасида барча ижодий, ташкилий масалалар ҳал этилган, деб бўлмаса-да, бугунги кинонинг юксак талабларига жавоб берадиган тўлақонли асарлар яратилаётганини қайд этиш лозим. Бу эса юртимизда истеъдодли, элга бўлган меҳр-муҳаббатини эҳтирос ва фалсафий ўйлари билан жамоатчиликка етказишга қодир ижодкорлар фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. Матбуотда “Сукунат” ҳамда “Сув ёқалаб” фильмлари ҳақида мақола берилган эди. Шу сабаб уларнинг бир фазилатини эслатиб ўтиш билан чекланамиз. Тафаккури бой, характери анча мураккаб, атроф-муҳитни, воқеликни англашга бўлган интилиши кучли шахсларнинг ички дунёси, баъзан бир-бирига зид фикрлари, қувончи ва қайғуалами ҳақиқий кинематографик шаклда намоён этилган. Бу мукаммал асарлардан бири — “Сув ёқалаб” ёзувчи Эркин Аъзамнинг мустақил адабий асари замирида пайдо бўлган. Соф адабий услубга соф экран услуби, воситалари топилган ва қўлланган. Режиссёр Ж.Қосимов адиб қаламига мансуб бўлган саҳифаларнинг қадрига етиб, чуқур психологик ҳолатларга бой, ҳар биримизда тетик кайфият уйғотадиган, юксак ҳис-туйғулар, инсонлар муносабатлари, умр мазмуни ҳақида

ўйлашга ундайдиган эпизодлар устида қунт билан ишлади.

“Иблис девори” фильми пайдо бўлганида эса экранда шу номли қиссанинг айрим фазилатлари билан бирга нуқсонлари ҳам намоён бўлди. Ака-укани, уларнинг оиласини бир-биридан ажратадиган девор қурилиши, бузилиши билан боғлиқ бўлган драматик воқеалар (айниқса совуқ ғишт, цемент бетон пойдеворнинг эмас, севган, севилган қизалоқнинг қалбига қўйилаётгани рамзий маъноға эга бўлган кадрларда сўзсиз ифода этилиши) билан бирга ортиқча ваъзхонлик қилиниши, насиҳатгўйликка йўл қўйилишини ҳам кўрдик, аниқроғи, эшитдик. Сценарийни ёзиш техникаси эса фабула, қаҳрамон руҳияти, лирик кечинмалар, эҳтиросли дамлар экран талаб этган эстетик шаклда кўрсатилишини назарда тутган ҳолда ижод қилишни талаб этади. Тасвир устуворлиги сценарийда бадиий сўз ила тасвирга айланадиган сўз билан қайд этилади. Кечинмаларни, ҳолатни фақат кадрда айтиладиган сўз билан ифода этишга уриниш турғун ҳолда олинган кадрларнинг мўл бўлишига олиб келиши табиий. Бундай фильмлар сирасига “Кичкина одамлар” ҳам киради. Кино, унинг эстетикаси нуқтаи назаридан қараганда талаблар даражасида бўлган бу ҳикоялар мажмуасининг бадиий концепцияси адиб А.Йўлдошев томонидан пухта ўйлангани шубҳа уйғотади.

Бир соату йигирма дақиқа давом этадиган уч новеллада “кичкина” одамлар эмас жамият учун, оила учун “ортиқча” одамлар ҳақида ҳикоя қилинади. XIX аср рус адабиёти қаҳрамонларига нисбатан қўлланилган бу сўз бирикмаси (у атама даражасига кўтарилган!) адабиётшуносликда изоҳланган. Унинг яна бир ифодасини ҳозирги ўзбек бадиий асарида кўришни истаганлар бормикин?! Отасини гўрга тиқиб, оиласини чирқиратиб, муттаҳамлик қилган, пулнинг қулига айланган шахс бир новелланинг қаҳрамони бўлса, иккинчисида лаганбардорликни, мутеликни ўзига муносиб кўрган мўйсафиднинг қилмишлари экрандаги персонажларнигина эмас, залдаги томошабинларни ҳам хижолатга қўяди. Ана шундай қусурлар тажрибали оператор, новик дидли режиссёр Ҳотам Файзиевнинг фильмида учрашидан таажжубландик. Бундай тасмалар миллий кинематографиямизда қаҳрамон танлаш ҳамда унинг бадиий таърифини таъминлаш муаммоларини, шунингдек, муайян асар концепциясини теран ғоявий асарлар билан узвий боғлаш масалаларини кун тартибига қўяди.

“Орол — бахтим менинг” фильми эса (режиссёрлар Т.Калимбетов, Р.Галиев) анъанавий кинонинг тадрижий давоми сифатида қабул қилинади. Томошабин қорақалпоқ қишлоғи ҳаёти билан танишади. Соддагина сюжет кундалик ҳаёт лавҳаларини изчил, бир-бирига уланган ҳолда кўрсатиш учун хизмат қилган. Сўнгги кадрлар экран нури ила намоён бўлганида бу бағри кенг, истеъдодларга мўл, тарихи асрлар билан ўлчанадиган ўлкада ҳаёт жўш ураётганини, замондошларимиз у ерларда ҳам севиб, севилиб руҳий кечинмаларини ҳам, қувончларини ҳам юртдошлари билан баҳам кўриб яшаётгани, болакай балиқ тутиб, уни ўғирлатиб қўйгач нохуш кайфиятга тушганини, балоғат ёшига етган йигит самолётни бошқаришни орзу қилиб, мақсадига эришгач, юксак парвоз қилиб ҳамқишлоғини дарддан холис этиб, мамнун бўлишини кўрамиз.

Бу каби эпизодлардан мароқ олганимизни айтиш билан бирга асар аввало этнографик қийматга эга эканини, унга бадиий кинематографиянинг етук асарларига хос умумлашмалар, мажозий ифодалар, мукаммал ёзилган ҳамда ижро воситалари билан бойитилган образлар етишмаслигини айтиб ўтамиз. Асарнинг муаллифлари ва режиссёрларига кинопублицистикада орттирган тажрибалари камлик қилган кўринади. Бадиий кинонинг сценарийси адабиёт ва экран санъати талабларига жавоб бериши зарурлигини, унинг асосида яратилган фильмнинг таркиби, қурилиши, талқин услуби ўзгача бўлишини эслатиб ўтиш зарур.

Бу ўринда муаллифлик киносининг яна бир асари — “Ой остидаги ҳовли” драмаси (режиссёр З.Мусоқов) қурилиши, таркиби, талқин услуби мураккаброқ, ифода воситалари мукаммалроқ, бадиий тили бойроқ. Актёрлар гуруҳининг уюшқоқлиги, Сергей Генкин ҳамда Раъно Шодиеванинг ижроси, режиссёр танлаган ҳикоя, монтаж мароми, тасвир, руҳиятни ифода этадиган мажозий ифодалар қўлланилиши Зулфиқор Мусоқовнинг маҳорати ошиб бораётганини тасдиқлаб турибди. Режиссёр анча бой бисотидаги ранглар силсиласидан фойдаланиб мураккаб, лекин ҳеч қачон эскирмайдиган, барчанинг диққатини тортиб турадиган мавзунинг теран талқинини таъминлаш йўлидан бораётгани қувонарлидир. У онасамин, унинг мафтункор куч-қудрати ҳақида “Ватан” ҳамда биз фикр юритаётган “Ой остидаги ҳовли” фильмларида ҳаяжон билан сўз юритади. Бу гал унинг сценарийси актёрларда фикр, ҳис-ҳаяжон уйғотган, уларга илҳом, аниқ кўрсатма берган. Натижада қачонлардир Москвага кетиб қолган йигит йиллар ўтиб юртига қайтиши, муҳаббат ўтида ёниб, тўлиб-тошиб, бойиб, ҳаёт лаззатини қайта тотиб кўриши ҳақиқий кинематографик шаклда кўрсатилишини мамнуният билан қайд этиб ўтамиз.

Режиссёр Нозим Аббосов ҳам ҳаётнинг мураккаб кўринишларини соддалаштирмай, зиддиятларни текисламай кўрсатиши эътиборни тортади. Бундай ҳолда эстетик шакл ҳам мураккаб, нафис кадрлар таркиби ҳам шунга яраша кўп қатламли, сержило бўлиши табиий. Драматург қўллаган фабула — воқеалар тизмасида эса сийқаси чиққан услублар инкор этилгани сезилиб туради. Фильмда мактаб ёшига етмаган шўх, гапга чечан, зеҳни ўткир қизалоқнинг синфга кириб келиши, жоҳил директорнинг қаҳрига учраб бадарға этилиши, меҳрибон дадаси бағрида яйраши, дилозор кунларни ҳам кўриши моҳир режиссёр, ҳаёт аччиқ-чучугини тотиб кўрган шахс, ўткир қалами бор сценарийнавис томонидан тасвирланган.

Кейинги икки фильмда кадр ва эпизодларнинг тиниқлигини бузадиган лавҳалар ҳам учрашини айтиб ўтмасак адолатдан бўлмас. “Ой остидаги ҳовли”да истеъдодли шоир А.Файнбергнинг пайдо бўлиши ва маъруза қилиши, режиссёр клипларга хос монтаждан ҳам фойдаланиши бу анча теран, яхлит композицияга эга бўлган асарнинг руҳига мос келмагандек кўринади. “Ойдиной”да эса Ч.Чаплин иштирокидаги лавҳа М.Магомаевнинг фотопортрети, кадр ортидаги изоҳнинг мўллиги киноқиссанинг асосий эпизодлари орасига зўрма-зўракилик билан улаб қўйилгандек. Бундай кўчирмалар, кадр ортида қўйиб берилган мантиқ ҳам режиссёрнинг бадиий диди, малакаси юксаклигига шубҳа қилмаймиз. У ҳатто ҳазил-мутойибани сўз билан эмас, тасвир ҳамда мусиқа ёрдамида бизга етказишини кўриб беихтиёр чапак чалиб юборамиз. Эрининг ҳиёнатидан дарғазаб бўлган унинг умр йўлдоши бир зум аламига чидай олмай чўмилтираётган жажжи боласини жомошобга бўктириш ҳолатига келиб қолади. Бу каби кадрларнинг шиддатли кетма-кетлиги томошабинни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Бугунги мулоҳазаларимиз ўнга яқин янги ўзбек бадиий фильмларининг кўригидан кейин пайдо бўлди. Умуман кино асарларининг адабий пойдевори, ёзилиши, суратга олиниш жараёни, ниҳоят экрандаги умри узоқ ёки қисқа бўлиши сабабларини ўрганиш, тадқиқ қилиш зарур. Бунинг учун ранг-баранг фильмлар, ижодий жараён тадқиқ объекти бўлиши мумкин. Ижобий ишлар билан бирга, кинонинг ўзига хос ташвишларини ҳам жамоатчиликка етказиш мунаққидларнинг вазифасидир. Тақриз, мақола, очерклар билан бирга, фундаментал тадқиқотлар олиб бориш зарур. Миллий кинонинг довон ошиш жараёни, бадиий, ҳужжатли, анимацион асарлар, киноэстетика соҳасида саводини чиқармоқчи бўлганларнинг эҳтиёжи, ниҳоят экран санъати фани — киношуносликда ҳали ўрганилмаган “оппоқ доғлар” борлигини билдиради.

Ҳамидулла АКБАРОВ

МУТОЛАА

Тасодиф туташтирганлар қиссаси

Бугунги адабий жараён тинимсиз ўзгаришлар, янгиланишларни бошидан кечирмоқда. Кечагина ўзининг мавҳум "қаҳрамонлик"лари билан бадиият осмонида порлаб турган асарлар эса бугун қуёш нурига дош бера олмаган муз нукраларидек эриб битди. Бу табиий ҳол, албатта. Адабиёт ҳаётнинг бадиий сўз воситасидаги тажаллийси, инчунун, акс-садоси сифатида ўз даври воқелигини ифодаламоғи керак. Агар бугунги наср тараққиётига назар соладиган бўлсак, оҳанжомали услублардан холи, ихчам, китобхонни ўзига ром этадиган, қизиқ сюжетли асарларга талаб кучаяётганини эътироф этиш мумкин.

Истеъдодли ёзувчи Ҳабиб Темировнинг "Қўш узук" ("Янги аср авлоди" нашриёти. Тошкент — 2008 йил) номли янги қиссаси ҳам муаллифнинг бошқа асарлари қатори шу руҳга яқин туради. Асардаги воқеалар муаллиф, яъни унинг "Мен"и томонидан очиб берилади.

Асарда Шамойилнинг чигал тақдири, тасодифлар қуршовидаги ҳаёти акс эттирилади. Тақдир измига кўра, аёли бўла туриб, яна бир заифа билан ришта боғлаган бу инсоннинг кечмишлари кишида гоҳида маҳзун, гоҳида завқли таассурот уйғотади. Муҳаббат инсон қалбида уйғонган энг латиф туйғулар гулдастаси демакдир. Унинг қачон ташриф буюриши, қачон юракларни ҳаприқтириши вақт танламайди. "Севги қаримас" нақлининг вужудга келиши ҳам айни шу сабабият билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Қиссада яна бир етакчи қаҳрамон Уллибибининг Шамойилга кўнгил боғлаши ҳам шу тушунчалар билан боғлиқ. Ҳолбуки, иккови ўртасидаги тушунча ва ҳаётий маслаклар бошқа-бошқа. Тўғироғи, Уллибиби аёли шифохонага тушиб, турмуши оғир аҳволда қолган кишига ёрдам қўлини чўзиши асносида юрагидаги пинҳона ҳислар куртак ёзади. Адиб қаҳрамонларнинг истак-хоҳишларини ниҳоятда қуюқ деталлаштиради. Қалбидаги энг нафис туйғуларни яшириб ўтиришни истамаган қиз Шамойилга қарата: "Ман... Сизни... болаларни ҳам... яхши кўриб қолганман...", дейди.

Бинобарин, у изҳори дилни: "Севиб қолдим" тарзида ифодалаганида эди, асар ритми бузилган, ўзбекона менталитетга номатлуб сажия намоён бўларди. Жаҳон адабиётида сентиментал бадииятнинг энг муҳташам намунаси ҳисобланмиш Александр Грин қаламига мансуб "Қизил елканлар" романида ҳам Ассол ва капитан Грей ўртасидаги ҳаяжонли учрашув лаҳзалари бирмунча содда, қайнаб-тошаётган эҳтирос гулхани бироз пасайтирилгани ҳолда кўрсатилади. Шу ўринда шоирнинг: "Бисёр бўлса агар бол ҳам беқадр" сатрларини эслаш жоиздир.

Қиссада яна эътиборли образ бу Шамойилнинг турмуш ўртоғи — Салтанат. У асарда иккинчи даражали қаҳрамон ҳисобланса-да, сюжет линияси мустаҳкамлигини сақлайди. Тақдир тақозосига кўра, соғлигига путур етганига қарамай, оила бирдамлиги учун курашади. Унинг Уллибибига бўлган муносабатлари ўқувчида ҳайрат уйғотади. Гарчанд у инсонийлик тамойилларидан келиб чиқиб, уйида яшаётган, рўзғорини тебратишига ёрдамлашаётган қизга яхши муносабатда бўлса-да, ботиний дунёсида рашк олови бош кўтараётганини ҳам пинҳон тутмайди. Ёзувчи бу ҳақда шундай қалам суради: "Тунда эрини силкилади:" "Ростини айтинг, нима ишлар қилиб юрибсиз?" Эри унинг жонсиз гавдасини силаб-сийпалади. Авайлаб бағрига босди. "Кўнглинг хотиржам бўлсин, сенга хиёнат қилганим йўқ". "Нега бўлмасам... кўзларингиз бошқача".

Шу ўринда муаллифнинг "кўз" деталини қаҳрамон руҳиятининг юзага қалқишига сабабчи сифатида тасвирга тортишида ҳам ўзига хослик бор. Мумтоз адибимиз Абдулла Қодирий "Меҳробдан чаён"да Раънонинг латофатини кўрсатиш учун раъно гулининг расмини чизиб қўя қолган бўлардим, тарзида лутф этишида китобхонга айтилгулик фикрнинг лўнда ифодаси бор. Умуман, насрда қаҳрамон руҳиятини шу тарзда кўрсатиш синалган усул ҳисобланади.

Шамойилнинг кўзларида ўзгариш сезилишида ҳам сабаб бор эди. Чунки Уллибиби билан навбатдаги учрашув юракларда дил розини яна бир карра синовдан ўтказганди. Салтанатнинг кундошликка рози бўлиши, Уллибибининг ташриф буюришига хайрихоҳлиги ҳам ниҳоятда ишонарли бадиий бўёқларда берилгани ўқувчида қизиқиш уйғотади ва ҳаётий ҳақиқатга матлублиги билан шуурига муҳрланади.

Гарчанд асар ниҳоясида Уллибиби тақдири фожиали якун топган бўлсада, асардаги ҳаётий ришталар, умуминсоний қадриятларга содиқлик ўзининг бутун бўй-басти билан намоён бўлади.

Қиссада шундай сатрларни ўқийсиз:

"...Аввал сизда қўш узук кўрдим. Энди...кеннойимда...

— Аслида бунинг ҳеч ҳайрон бўларли жой йўқ, — деди Шамойил ака. — Салтанатнинг қўлидаги... Уллибибиники, мендаги раҳматли Исрофил укамники..."

Асарда инсон шахсиятини поклашга хизмат қиладиган, унинг руҳий қиёфасига маълум чизгилар тортадиган қирралар билан бир томонда ўзига хос "юк" ҳам кўзга ташланади. Бу "юк" қўшхотинлик балосининг киши ҳаётидаги салбий изларига бориб тақалади ва ўқувчида муайян хулосалар чиқаришга имкон ҳозирлайди.

Бир сўз билан айтганда, "Қўш узук" қиссаси янгиланаётган адабиётимизга ўзгача савт билан кириб келди, дейиш мумкин.

Хидирали ПАНЖИЕВ

ТАБИАТ ВА ИНСОН

Шифобахш булоқ

Инсон ҳаётида шундай ҳолатлар бўлади: ер бағридан қуббақубба бўлиб отилиб чиқаётган сувдан ҳовучлаб ичгиси, тоза тоғ ҳавосидан энтикиб-энтикиб нафас олгиси, майин елда шитирлаётган баргларни узоқ кузатгиси, қушларнинг сайрашини мириқиб эшитгиси келади... Одам бундай лаҳзаларда сукут сақлайди, табиат гапирсин, дейди.

Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Авлиё қишлоғида жойлашган Саъд Абу Ваққос зиёратгоҳидаги булоқ ёнида ўтириб шундай хаёлларга чўмдим.. Кунлар исий бошлагани сайин бу хушманзара жойга ташриф буюрувчилар сони кўпаймоқда. Айниқса, шифобахшлиги билан машҳур бўлган булоқ суви кўпчиликнинг эътиборини тортаяпти. Зиёратгоҳ раҳбари Ҳабибулла ҳожидан булоқнинг кишиларни ўзига бунчалар ошуфта этиш сири ҳақида билмоқчи бўлдик. У киши гапни ҳаж сафаридан бошлади:

— Мен билан ҳамсуҳбат бўлганларнинг аксарияти мана шу булоқ ҳақида сўрашди. "Ўша булоқларни зиёрат қилганмисиз? Бугунги кунда унинг ҳолати қандай? Сиз унинг сувидан қониб ичишингиз мумкин. Аммо биз учун бу катта армон", дейишди.

Мен қизиқсиниб булоқ сувининг хосияти ҳақида ҳам сўрадим. Ҳабибулла ҳожи ота-боболаридан эшитиб улғайган бир ривоятни ҳикоя қилди.

Айтишларича, Муҳаммад пайғамбаримизнинг (с.а.в.) саҳобаларидан бири бўлган Саъд Абу Ваққос мана шу жойда жимжилоғидан яраланибди. Яратганнинг амри билан муборак қон томган ердан булоқ отилиб чиқибди. Сувга ташна одамлар чанқоғини қондиришибди, юзларини ювишибди. Кейин улар яна йўлларида давом этишибди. Шундан бери бу ердан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Булоққа "Сахий бобо" деб ном қўйишган. Ана шу муқаддас булоқ сувини ичиб, нима эзгу тилак тиласангиз ижобат бўлади, дейишади.

Мустақилликка эришганимиздан кейин бу зиёратгоҳ ўтмишимизга, аждодлар руҳига катта муҳаббат рамзи сифатида тамомила қайта қурилди. Булоқни ўраб турган тепалик устида хонақоҳ қад кўтарди. Унга олиб чиқадиган зиналар мармар тошлар билан безатилди. Атрофи гулзорлаштирилди, фавворалар ўрнатилди. Зиёратчилар учун меҳмонхоналар, супалар, сўрилар қурилди. Самарқандлик усталар томонидан зеб берилган бинолар бу ерга ташриф буюрувчиларга чексиз завқ улашиши шубҳасиз.

— Бу булоқни кўпгина хорижлик сайёҳлар ҳам келиб кўришди, — дейди Ҳабибулла ака сўзини давом эттириб. — Тоғлар оралиғида яратилган бундай шароитларни кўриб ҳайрон бўлганлар ҳам бўлди. Айниқса, ҳовузни тўлдириб турган балиқларни томоша қилганда табиатнинг мўъжизаси олдида ҳайратга тушмай илож йўқ!

Севимли шоиримиз Ғафур Ғуломнинг қизи Олмос опанинг айтишларича, академик шоир бу ерга зиёрат учун келганида, тиниқ булоқ тубига тикилиб туриб "Балиқ тўлдирилган табиий идишга ўхшайди", деган экан.

Ҳа, она табиатимизнинг мўъжизалари бисёр.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

ХОТИРА АЗИЗ

Адибнинг ибратли умри

Эл-юртнинг ғам-ташвиши-ю, қувончларини муносиб сўз билан кўрсата билмоқ – ижод аҳли учун ҳамиша улуғ саодат бўлиб келган. Ёзган асарлари одамлар қалбидан жой эгаллаши, узоқ йиллар давомида мутолаа манбаи бўлиши эса катта бахтдир. Зеро, бундай юксак шараф ҳамма ижодкорларга ҳам насиб этавермайди.

Элимизнинг ана шундай азиз фарзандларидан бири таниқли адиб, шоир, драматург ва жамоат арбоби Ҳамид Ғулом ҳаёт бўлганда баҳорнинг шу қутлуғ кунларида 90 ёшга кирган бўлар эди.

Муҳтарам Президентимиз истиқлолнинг етти йиллиги муносабати билан эълон қилган Фармонида халқимизнинг ардоқли ижодкорлари қаторида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғуломни ҳам «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотлади. Ул зотга кўрсатилган бундай юксак эҳтиром ва эътибор адабиёт аҳлини чинакамига қувонтирди. Сабаби, адибнинг анча йиллар илгари ёзилган «Машъал», «Мангулик», «Феруза», «Бинафша атри», «Машраб», «Тошкентликлар», «Қорадарё» каби романлари ва бошқа қатор шеъру достонлари, публицистик асарлари ҳамда таржималари ўзбек адабиётини нурлантириб турган сершуъла ва ёрқин саҳифалардан биридир.



Ҳамид Ғулом набираси Фарҳоджон билан.

Ҳамид Ғулом энди ижодни бошлаган пайтда ўзбекнинг забардаст адиблари — Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек каби устозлар унга юқори баҳо бергани бежиз эмас. Ҳамид Ғуломнинг асарларини мутолаа қиларканмиз, қалбимизда нур, зиё, ҳаётга шайдолик, бугунги нурафшон кунларимизга шукроналик, она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини уйғотиши, шубҳасиз. «Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди...» дея ёзганди шоир. Бу шеърни устоз улуғ ёшида ёшларга қарата битган бўлса-да, навқиронлиги, айни ижод палласи турғунлик давридаги қийинчиликлар, турли тўғонлар аро кечганини ҳам ифода этади.

Қатағон йиллари... Чўлпон ва Усмон Носирнинг аянчли қисмати-ю, Абдулла Қодирийнинг сўнгсиз армонлари... бугун оқсоч тарих сўзлаётган ғамгин ҳикояга ўхшайди. Ўша пайтлар Ҳамид Ғуломнинг номига ҳам турли туҳмату бўҳтонлар ёғдирилган, аммо адибнинг иродасини буколмаган эди. Бунга ўша чоғларда шоирнинг она тилимизда ёзган кўплаб шеър ва достонлари гувоҳлик беради. Ватанимизнинг мустақиллигини чексиз ҳурсандчилик ва кўтаринки руҳ билан кутиб олган ижодкор ўзи лутф этгандек:

Ассалом, улуғ халқ, ўзбегим,
Дили пок қутлуғ халқ ўзбегим.
Ассалом, ҳур тақдир, истиқлол,
Иқболим, шарафим ўзлигим...

каби самимий, дилкаш ва бетимсол шеърлари бугун ҳуррият замонининг ёруғ кунларини кўраётир.

Адибнинг серқирра ижод мактабини айни пайтда маҳорат дарсхонаси ҳам дейиш мумкин. Бу дарсхонага кирган ҳар бир қаламкаш сўзнинг масъулиятини, ижод машаққатини дилдан ҳис этади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад адиб ҳақидаги хотира битикларида: «Ҳамид Ғулом 70 ёшдан ошиб кетишига қарамай, қадди тик, гапга чечан, тингловчиларни гап билан «сеҳрлаб» қўядиган уста нотиқ бўлган. У қаерда, қачон бўлмасин, ҳамиша халқини ҳурматлаган, у ҳақда гўзал таърифлар айтган. Қадрият ва маънавиятнинг боқий сўзи ва эзгу ниятлари билан сеҳрлаган ажойиб шоир эди...», аллома шоир Ғафур Ғулом эса Ҳамид Ғуломга бағишлаб:

Тонг отар мактубинг олдим,
ўйлатиб қўйдинг мени,
Жон рубобин черта-черта куйлатиб қўйдинг мени...
Мен яна минглаб қалам чайнаб, чаман кезсам керак,
Неки қилдинг ўз-ўзимга сўйлатиб қўйдинг мени...

ижодий ҳамкорликда яратган асарлари алоҳида таҳсинга лойиқ. Буюк санъаткорлар Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаевлар билан ҳамкорликда яратилган «Тошболта ошиқ» мусиқали драмасини томошабинлар ҳали ҳамон ҳаяжон билан томоша қилишади. Ҳамид Ғуломнинг 90 йиллиги арафасида Ғафур Ғулом нашриётида адибнинг сара асарлари жамланган «Ассалом, ўзбегим» номли сайланма китоби чоп этилгани китобхонлар учун совға бўлди.

Биз — бугунги ёш авлод Ҳамид Ғуломни ҳаётлигида кўрмаган бўлсак-да, бу ном у кишининг асарлари орқали қалбимизга кирган. Шунинг учун ҳаёти давомида она-юртга бўлган чексиз меҳр-муҳаббатини истиқлол бахтига қўшиб куйлаган адибнинг қалбида ушалмай қолган орзу-истаклари, армонлари, мангу хотиралари бизни қизиқтиради.

Баҳор кунларининг бирида Ҳамид Ғуломнинг ижодий меросини ўрганиш, бетакрор хислатлари-ю, фазилатларини хотирлаш мақсадида адибнинг ўғли Шерзод Ғуломов билан учрашдик. Суҳбат жараёнида шуни сездимки, Шерзод ака отаси ҳақида гапиришдан бироз истиҳола қилиб, беихтиёр адиб ҳаёти ва ижодига бағишлаб 2007 йилда Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган «Ҳамид Ғулом замондошлари хотирасида» номли китобни қўлимга тутди. Китобни қизиқиш билан варақлар эканман, қалбимда у кишини яхши билган дўсту биродарлари ва шогирдлари билан суҳбатлашиш истаги туғилди.

— Устоз Ҳамид ака — ўзбек адабиётимизда ғоят салмоқли, сермаҳсул, катта истеъдод соҳиби бўлган ижодкорлардан эди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов. — У киши саксон олти йиллик умрининг деярли етмиш йилини шеъриятимиз, драматургиямиз, насримиз ривожига бахш этган нурли сиймодир. Адиб бадиий ижоднинг деярли барча соҳаларида муваффақиятли иш олиб борди. Ўнлаб шеърий китоблар, қизиқиш ўқиладиган ва томоша қилинадиган бир неча насрий ва саҳнавий асарлар муаллифи сифатида халқимизнинг севимли ижодкорларидан бирига айланган. Чин инсоний бахтни улуғловчи жўшқин қўшиқлари, оташин публицистикаси билан қалбларга йўл топди. Тиниб-тинчимай ижод этиш, умрнинг ҳар бир соатидан унумли фойдалана билиш, маҳорат чўққисига интилиш — Ҳамид Ғуломнинг ҳаётий мезони эди. Устознинг мана шундай катта меҳнат қобилиятига қойил қолар эдик. «Машъал»дай мураккаб тарихий романни ёзиш, «Тошболта ошиқ»дек кулги тўла саҳна асарларини яратиш, жаҳон адабиётидан қилинган мукаммал таржималар, қўшиқлар, балладалар, достонлар ва бир қанча қиссалар... барчасини санаб чиқишнинг ўзи ҳам бир талай меҳнат. Бунинг устига дунёнинг ярмидан кўпини айланиб, кезиб, ўз халқига ҳикоя қилиб бериш... Бунча ишлар замирида эса катта меҳнат, тафаккур, кеча-кундуз ҳаракатда бўлган истеъдод борлигини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳамид Ғулом номини мен ўзим шахсан ўқувчилик вақтимда — уруш йилларида эшитганман, газеталарда ўқиганман. Кейинчалик Тошкентдаги дорилфунунда — талабалик йилларимда шоирлар ва адиблар билан бўладиган учрашувларда Ҳамид акани тез-тез кўриб, шеърларини ўзларидан эшитиб, бирмунча яқиндан билдим. У киши шеърларни салобат билан, ширали, таъсирчан оҳангда ўқир, тингловчиларда яхши таассурот қолдирарди. Ёзувчилар уюшмасида бўладиган ижодий мунозараларда ҳам нутқининг мазмуни, мантиқий асосланган билан тингловчини лол этарди. Кейинчалик... Шу уюшма биносида Ҳамид Ғуломнинг ёш ҳаваскор шоирлар билан учрашуви бўлди. Йигирма чоғли ёшлар орасида мен ҳам бор эдим. Ўшанда роса савол-жавоблар бўларди. Бадиий ижоднинг нима учун зарурлиги, унинг жамиятдаги ўрни, айрим шоирлар ҳақидаги хом саволларимизга гоҳ кулиб, гоҳ жиддий мисоллар билан жавоб беришдан толмасдилар. Биз эса кўп нарсаларни ўзимиз учун аниқлаб олардик.

Кейинчалик... 1949 ёки 1950 йилда муҳим бир санага бағишланган катта тўплам — китобга уч-тўртта талаба тақриз ёзиб, энг нуфузли газетага юрак ютиб олиб бордик. Ҳамид ака газетанинг адабий котиби бўлиб ишлар эканлар. Уялиб-тортиниб кириб бордик. У киши очиқ чеҳра билан кутиб олдилар ва «мақолани ўқиб чиқиб, фикр айтаман», дедилар. Биз ўйлагандикки, «ҳозир бунақа ишларни қўя турингланг», дея насиҳатлар айтса керак... Йўқ, биз, аксинча, рағбатлантирувчи илиқ сўзларни эшитдик... ва ниҳоят газетанинг навбатдаги сонларидан бирида бир саҳифанинг салкам ярмини эгаллаган мақоламизни кўриб, кўзларимиз яшнаб кетди. Биз ёшлар Ҳамид аканинг бундай самимий муносабатида катта ишонч ва меҳрибонликни кўрганмиз.

Бундай улуғлик, камтарлик, самимийлик фазилатлари Ҳамид Ғуломнинг ҳаётида, ижодида ҳам ўз ифодасини топганди. Умри давомида адабиёт аҳлига, айниқса, ёш ижодкорларга ўз йўлини топиш учун ёрдамини аямаган, одамларга яхшилик қилишни фазилат деб билган. Бу эзгу ниятлар инкишофи кўз ўнгимизда яхлит шеълари оҳангида, асарларидаги қаҳрамонлари тимсолида гавдаланади.

— Мен атоқли ёзувчи Ҳамид Ғулом асарларидаги хотин-қизлар образини чинакам зиёли, назокатли ва курашчан аёллар тимсоли деб биламан, — дейди Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева. — Улар доимо маърифатга, катта ҳаётга, кенгликларга интиладилар. Юракдаги меҳр-муҳаббат қўрларини атрофдагиларга бахшида этишга чоғланадилар. Бундай фидойилик, жасорат, айниқса, адибнинг «Машъал» романидаги Эъзозахон тимсолида яққол намоён бўлади. «Бинафша атри»да ёзувчи аёлларни чексиз ҳурмат билан тасвирлайди, оналик жозибаси, дилбарлиги аёл фазилатидаги маъсумлик, латофатликни ғоят нафис чизгилар билан тасвирлайди. Чўлларга бинафша атрини олиб борган Инсон қадамларига мадҳия айтади у. «Тошкентликлар» асари эса воқеалар қамрови, олижаноб талқинлари билан ўқувчига қадрдон бўлиб қолган. Ҳамид Ғулом қаламига мансуб юзлаб қўшиқлар, унинг таржимасидаги кўплаб жаҳон ва қардош адабиётларнинг дурдона асарлари, қаҳрамонлари эл орасида машҳур бўлиб кетган. «Тошболта ошиқ» мусиқали драмаси ёзувчининг ижод уфқлари кенглигини кўрсатади.

Мухлисларга айтадиган гаплари шеърга сиғмаганда насрга кўл уриши, насрга сиғмаганда эса саҳнавий асарларга дадил мурожаат қилиши унинг серқирра ижодкорлигидан далолатдир. Ёшларга ниҳоятда меҳрибон, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган Ҳамид Ғулом бағри кенг бош муҳаррирлардан ҳам эди. Ҳуда-беҳуда ходимларни тергайвермас, уларни ўз ихтиёрига қўйиб берарди. Ғафур Ғулом номидаги нашриётда директор бўлиб ишлаган йиллари ҳам Ҳамид ака адабиётимизнинг чинакам жонкуяри, тарғиботчиси, ёш ижодкорларнинг ҳақиқий устози бўлиб, уларнинг китобларини кўп нусхаларда чоп эттиришда меҳрини аямади. У ўнлаб ёш шоир ва ёзувчиларга оқ йўл тилаб, уларни катта адабиёт майдонига олиб кирди. Ғафур Ғулом, Ойбек каби устозларнинг меҳрини қозонди.

Ғафур Ғулом нашриётида Ҳамид Ғулом раҳбарлик даврида чоп этилган Гётенинг «Фауст», Дантенинг «Илоҳий комедия», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарлари маънавий хазинамизни бойитди. У кишининг ижодий, ижтимоий кўмагида ўз овозини топган ёш ижодкорлар бугун халқимиз эъзозида ардоқланиб келмоқда. Улар устозининг ҳар бир — ижодкорлик, ноширлик ва нотиқлик жиҳатларини ўзларига ибрат деб билади.

— Ҳамид Ғулом ўн йилча Ўзбекистон радиосида муҳаррир бўлиб хизмат қилган, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Омон Мухтор. — Шунинг баробарида, диктор ҳам бўлган. Тақдир тақозоси билан бир муддат мен ҳам радиода ишладим. Ҳамид ака эшиттиришларни олиб бориш бобида ҳам одамлар ҳамон эслайдиган вазифани бажарган экан. Ҳамид Ғулом ва Туроб Тўланинг Қодир Махсум, Убай Бурҳон сингари ўз ўқиш мактаби бор эди. Қодир Махсумнинг ўзи Ҳамид акани устоз деб билар эди. Ойбек домланинг таваллуд санасида у кишининг дил сўзларини ҳам Ҳамид ака ўқиб берган, минг кишилик давра чайқалиб кетган, гувиллаган. Ойбек домла ҳам қаттиқ таъсирланиб, кўзлари ёшланган эди. Мен эса Ҳамид аканинг бу санъатидан халқимиз кам баҳраманд бўлгани, кам фойдаланганига ўкинаман, ҳолос! Радиода ишлаб юрганимда, адибнинг яна бир хислатига эътибор берганман. Қайсидир эшиттиришга таклиф қилсак, Ҳамид ака аниқ соатда келар, агар режа озгина ўзгарса, масалан, «ўн дақиқа олдин бораяпман» ёки «ўн дақиқа кечикаяпман», деб, албатта хабар қиларди. Ўз вақтини ҳам, бошқаларнинг вақтини ҳам бундай қадрлаш хислати, афсуски, ҳаммада ҳам учрайвермайди.

Ҳамид аканинг бир неча йил Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, «Шарқ юлдузи» журналида бош муҳаррир, Адабиёт ва санъат нашриётида директор бўлиб ишлаганлари маълум. У киши қаерда ишлаган бўлса, ўз ғурурини биларди, шу билан бирга адабиёт манфаатини ўйларди. Яна айтиш керакки, у қаерда меҳнат қилмасин, ўша ерда жонланиш, тартиб, ижодий муҳит юзага келган.

Ҳамид Ғулом маҳоратли ёзувчи, садоқатли дўст, меҳрибон устоз бўлиш билан бирга намунали оила бошлиғи ҳам бўлган. Адиб билан олтмиш етти йил умргузаронлик қилган рафиқаси Манзурахон ая бу тўғрисида шундай дейди:

— Ҳаётимдан мамнунман. Ҳамид ака билан жуда бахтли яшаганмиз. Оналари — қайнонам жуда меҳрибон аёл эдилар. Менга оналик қилганлар. Онасизлигимни билдирмаганлар. У кишининг шарофати билан уйимизда Украина, Болгария, Ҳиндистон... эҳ-ҳе... қанчадан-қанча юрт лардан меҳмон кутганмиз. Ижодкорлардан Константин Симоновни яхши эслайман. Хонадонимизга тез-тез келиб турарди. Ҳамид ака туфайли жуда кўп юртни кўрдим. Менга ана шундай садоқатли, маърифатли, меҳрибон умр йўлдошини ато этгани учун тақдирга шукрона айтаман. Бугун эса фарзандларим, набираларим, эвараларим ардоғида бахтиёр яшаяпман. Хонадонимизга уларни хотирлаб ижодкорлар, дўсту биродарлари, шогирдлари тез-тез келиб туришади. Қўлимда эса, мана, у кишининг янги яқинда чоп этилган китоблари... ўзлари эса ҳамиша хаёлимдалар...

Севимли адибимиз Ҳамид Ғулом ҳақида у зотни билган, унинг ижоди билан яқиндан таниш бўлган адибу шоирларимизнинг, мунаққидларимизнинг, дўсту қадрдонларининг қай бири билан суҳбатлашмайлик, у кишининг серқирра ижоди, меҳр-оқибати, мустаҳкам эътиқоди ва эзгу-фазилатлари ҳақида тўлқинланиб гапиради. Шу билан бирга адибнинг маҳорат мактабидан баҳраманд ижодкорлар ўз йўли, ўз сўзини топиб бораётгани қувонарлидир.

Адиба УМИРОВА

МАДАНИЯТ

Яхши шеър ўқиганда кишининг руҳи кўтарилади. Бир неча кун хаёлда чарх уриб, ботиний сеҳри туйғуларимизга қудрат бағишлайди.

Истеъдодли шоира Фарида Афрўз дилкаш шеърлари билан назмда ўз ўрнига эга бўлган ижодкорлардан. Унинг «Қирқ кокиллигим», «Изтироб кўйлаги», «Тунлар исёни», «Кўзим маним», «Ўзимдан ўзимгача» каби қатор шеърий тўпламлари китобхонларга яхши таниш.

Фарида АФРЎЗ билан бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳам бугунги ижод жараёни, шеъриятнинг машаққатли ва тотли лаҳзалари ҳақида бўлди.

«Шоир — шамолда шам кўтарган одам»

УЧРАШУВ

— Фарида опа, яхши шоир ҳар қандай даврда ҳам эл-юрт назаридан ҳеч қачон четда қолмаган. Сизнингча, бунга қандай эришиш мумкин?

— Дунё яралибдики, инсон хоҳ шоҳ, хоҳ гадо бўлсин ҳаёти давомида кўнгил дардларига даво излайди. Ижодкор эса кўнглидагини ёзиш билан юракларга йўл топади. Унинг ёзганлари кўнгил изтиробларига малҳам бўлади. Турмушнинг икир-чикирлари, ҳаёт тўфонлари-ю гирдоблари, табиатнинг мислсиз таровати шоир учун илҳом манбаидир. Ижодкор дунёнинг ғуссалари, майда ташвишлари ичида парчаланиб кетмаслиги учун нафақат яхши шоир балки, етук ШАХС бўлиши ҳам муҳим. Чунки у айтган сўз қалбларда адолат тимсоли бўлиб муҳрланади. Халқ шоир айтган сўзга ишонади.

— Донишмандлардан бири шоирлар — изтироб томонидан миллионлаб одамлар орасидан танланган қуллардир, деганди...

— Шоир ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Балки унинг изтироб ичра яшаши ҳам шундандир. Шоир қалби ғам-ғуссани, армонни жон-тани билан ҳис қилади. Сўз қудрати, сўз масъулияти унга тинчлик бермайди.

— Шеърларингизда ифодаланган АЁЛ тимсоли шахсингизга қанчалик яқин. У бошдан-оёқ менинг ўзим, ўзлигим деб айта оласизми?

— Шеърларимдаги АЁЛ — менинг ўзим, ўзлигим дея оламан. Ахир, шоир ўзига бегона туйғулар ҳақида қандай ёзиши мумкин? Менинг кўнглим нима деса, шуни ёзаман. Мен шеърларим ичраман, улар қалбим суратидир.

— Машҳур хонандалар куйлаган шеърларингиз кўп! Масалан, «Оқбилак ойим», «Фаридам», «Соғиндим» қўшиқлари халқимиз юрагига сингиб кетган. Айтинг-чи, сиз қўшиқ учун шеър ёзасизми?

— Аслида ёзилган яхши шеърга куй басталанади. Кейин хонанда томонидан ижро этилади. Агар шундай бўлса, бундай куй-қўшиқлар халқимиз қалбига тез етиб боради. Ҳозиргача қалбимизга сингиб кетган мумтоз қўшиқларнинг ҳаммаси мана шундай ижодий заҳмат эвазига яралган. Аммо овоз ёзиш студиясини ташкил қилганимдан кейин қўшиқчиликнинг яна бир жиҳатини англадим. Ҳамма шеър ҳам яхши қўшиқ бўлавермас экан. Қўшиқнинг ўзига хос талаблари, масъулияти бор. Масалан, мазмунли, самимий сўзлар, унли, ундош товушлар дегандек... Баъзан яхши куйга мослаб шеър ҳам ёзиш мумкин. Бу албатта, ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ.

— Умуман қандай ҳолатларда ёзасиз? Нималардан илҳом оласиз, туйғуларингиз нимадан ранг олади?

— Менда ижод учун мавсумий давр йўқ. Ижод учун вақт топа олсам бас. Вақт қурғур эса... ўзингизга аён. Беҳудага совурилган умр, вазифангни англаб туриб уддасидан чиқолмаётганингда ношудлигинг, бепарволик панд беради. Ҳақиқий илҳом — сиз айтганингиздек бир йилда бир-икки марта бўладиган ҳодиса. Ижодий руҳни эса ҳамфикрлар гурунгидан, ўқиган китобларимдан оламан.

— Мухлисларингиз Афрўз тахаллусининг маъноси ҳақида кўп сўрашади. Нега бундай тахаллус танлагансиз?

— Мустақилликнинг илк йилларида ўзимча мустабид тузумнинг сарқитидан қутулмоқ, исм-шарифларнинг охирида қўлланадиган "...ева, евна" каби қўшимчалардан қочмоқчи бўлдим. Афрўз – нур таратувчи, нур берувчи маъноларини англатади. Умуман ижодда тахаллус бўлиши жоиз деб биламан. Ахир, ота-боболаримиз бир нарсани билгандирларки буни ўзларига муносиб кўрганлар.

— Сизни кўпчилик омадли аёл дейишади. Ўзингиз бунга нима дейсиз?

— Ижодкорнинг қалби ўта нозик бўлади, шу билан бирга ҳар қандай вазиятда ҳам гўзал туйғуларни ҳис эта оладиган соҳир ҳислар қуйчисидир. Мен умуман турмушнинг икир-чикирларига, майда ташвишларга эътибор қилмасликка ўзимда куч топаман. Ҳаёт, ижод йўлида менга панд берганларнинг ҳаммасини кечирганман. Яратганнинг ҳар лаҳзасига шукрона айтиб яшайман. Ана шунда одамнинг яхшилик қилишга, нимадир яратишга вақти кўп бўлар экан. Омад яхши ният билан қилинган меҳнатнинг қоришмаси, деб ўйлайман.

— Баъзан шоир ойлаб, йиллаб шеър ёзмаслиги мумкин. Сизнингча, ижодкор қандай ҳолатларда ёзолмай қолади?

— Назаримда, бунинг учта сабаби бор. Ўзининг ёзганларидан қониқса ёки ўзига талаби кучайса ёхуд мақтовлар, кибру ҳаво ичра ўзини йўқотиб қўйса шеърият руҳидан анча йироқлашади. Чунки ижод шоирдан покизаликни, камтарликни, меҳнатни, ўз устида тинмай изланишни, кўп мутолаа қилишни талаб этади.

— Шу кунларда ўқиган китобларингиздан қай бири сизда яхши таассурот қолдирди?

— Яқинда Эрон "Янги шеър" мактабининг асосчиси Суҳроб Сепеҳрий ҳақидаги "Қизил гулнинг сири" номли китобни ўқидим. Тўғриси, ҳали ҳам бу тўпламни қўлимдан қўйгим келмайди. Унинг "Сув одимининг товуши" шеъри руҳиятимни ости-устун қилиб юборди. Мана, сизга яхши китобнинг кучи, мана, асл шеъриятнинг сеҳри, қудрати! Ушбу китобнинг таржимонлари – Жаъфар Муҳаммад ва Наргис Шоалиевани излаб топдим. Ўзимнинг чексиз миннатдорчилигимни билдирдим.

— Яна бир анъанавий савол. Аслида шоир ким, шеър нима?

— Шоирликни қисмат деймиз, шеърни эса улуғ неъмат. Чиндан ҳам шундай бўлса, шоир ўз илоҳий вазифасини, сўз мақомини қай даражада уддалай олмоқда?! Шоир ўзининг шоирлигини билармикин? Асрлар ва миллион одамлар ичра танланганини ҳис қилармикан?! Балки билмас, балки билмагани ҳам яхшидир. Чунки оташин ва дилгир сўз айтмоқ, замоннинг кўзи, элнинг юзи бўлмоқ осон иш эмаслиги ҳаммамизга аён.

Чин шоир тақдир тўфонларида, бўҳронларида ўзлигини йўқотмайди. Ҳеч бир қолипга сиғмай, тўлиб-тошиб шеър ёзади. Назаримда, шоир — шамолда шам кўтариб кетаётган одамдир. Унинг борар манзили – ёруғлик, эзгулик ва меҳр-муҳаббат.

Озода БЕКМУРОДОВА суҳбатлашди.

ТАЛҚИН

СТАДИОН

фақат эркаклар "кўнглини бўшатадиган" жойми?

Назаримда футболга берилган "миллионлар ўйини" таърифи эскирди. Бугун бу ўйин ер юзидаги миллиардлаб инсонлар қалбини забт этди. Қизиқ, футболни ўйлаб топган инглизлар йиллар ўтиб, унинг шу даражада оммалашиб кетишини ўйлашганмикан? Баъзида хаёлимга шунга ўхшаган саволлар келади-ю, улар ўзим билмайдиган нарсалар уммонига сингиб кетади.



Стадион — кўнгил ором топадиган маскан. У ерда мутлақо нотаниш одамлар билан ҳам кўп йиллик қадрдонлардай гаплашиш мумкин. Чунки футболни ёқтирмайдиганлар бу ерга келишмайди. Бу ерда ҳамманинг лавозими ҳам тенг. Тенглик эса азалдан дўстликнинг асоси бўлиб келган. Учрашув давомида "Ўз-бе-кис-тон!", "Ўз-бе-кис-тон!", дея ҳайқириш, баҳс арафасида давлат мадҳиясига жўр бўлиш нақадар завқли.

Таъбир жоиз бўлса, дунёда эркаклар йиғлайдиган биттагина жой бор. Бу ерда йиғлаш уят саналмайди. У ҳам бўлса футбол стадиони. Биз шу пайтгача жуда кўп футболчиларнинг йиғлаганини кўрганмиз. Аммо уларнинг ичида энг чиройлиси бу Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг дарвозабони Муроджон Холмуҳаммедовнинг кўз ёшлари эди. Беихтиёр унга қўшилиш мумкин эди. Бошқа пай бўлганида, кап-катта йигитнинг йиғлашидан энса қотарди. Иложи бўлса, уни уришиб қўярдик, қаттиқ-қаттиқ гапирардик. Аммо ўша ҳолат бундан мустасно. У жуда катта фидойилик кўрсатганди. Хитойлик футболчилар тепган пенальтиларни қайтариб, жамоадошларига жаҳон чемпионати эшикларини очиб берганди.

Энг аччиқ кўз ёшлар эса шу йилнинг 11 февраль куни миллий терма жамоамизнинг ишонган тоғларидан бири — Игнатий Нестеров томонидан тўкилди. У ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтнинг сўнгги дақиқаларида ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборди. Аминманки, стадиондаги минглаб ишқибозлар ҳам унга қўшилишди. Сўзимизнинг исботи сифатида спорт нашрларининг бирида "Йиғлаётган стадион" номли мақола ҳам эълон қилинганини эслаш кифоя.

Футбол нафақат ғуруримизни, балки Ватанга муҳаббатимизни ҳам юксалтиради. Сабаби — сиз ўз юртингизнинг жамоасига хайрихоҳлик қиласиз. Бундан ташқари, ўзбекона меҳр-оқибатимизни ҳам сайқаллаштириб боради. Мисол учун майдонда ҳаракат қилаётган футболчилар кўзингизга худди яқин қариндошдек кўриниб кетади. Улар гол урганда, ўзимиз муваффақиятга эришгандай қувонамиз. Уларнинг оёғига ташланган рақибни кўрарга кўзингиз бўлмайди. Улар рақиб зарбасидан йиқилганда, гуё юрагингизнинг бир банди узилиб тушгандай азобланасиз.

Футбол биздаги ватанпарварлик туйғусини ҳам юксалтиради. Озгина шаккоклик бўлса-да, айтаман, футболни тушунмайдиганлар кўпгина нафис туйғулардан бебаҳрадирлар. Баъзи мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашсак. Масалан, шу йилнинг 28 март куни ўтказилган Ўзбекистон — Қатар учрашувида стадион нима учун томошабинлар билан тўлмади? Маълумотларга қараганда, шу куни бор-йўғи 18 минг мухлис ўйинни бевосита стадионда кузатган экан. Бир қарашда бу рақам ҳам ёмон эмасдек, аммо Австралия — Ўзбекистон учрашувини 60 минг, Эрон ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги баҳсни эса 100 минг томошабин стадионга келиб кузатиб борганини ҳисобга олсак, Тошкентдаги ишқибозларга тегишли рақам анча паст эканини кўриш мумкин.

Энг ёмони, орадан 3 кун ўтиб содир бўлди. Тошкентдаги қийин учрашувдан сўнг узоқ Австралияга сафар уюштирган вакилларимиз 0-2 ҳисобида имкониятни бой беришди. Илгариги учрашувда рақибларимизга маҳорат ва тажрибадан ташқари мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам асқотганди. Айтинг-чи, нега биз австралиялик ишқибозлардай бўлолмаяпмиз. Тўғри, сўнгги пайтларда уларнинг терма жамоаси анча мазмунли ўйин кўрсатиб, ўз мухлисларини хушнуд этишди. Лекин бир нарсани эсдан чиқармайлик, улар шу даражага етиб келгунларича жуда узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтишган.

Жорий йилнинг 6 июнь куни бизни катта синов — Ўзбекистон ва Япония терма жамоаларининг учрашуви кутиб турибди. Шу куни футболчиларимизга мухлислар кўмаги жуда зарур. Келинг, ҳар биримиз ўзимиз билан камида 5-6 нафар дўст-биродаримизни стадионга олиб тушишга ҳаракат қилайлик. Ажабмас, ана шунда 35 минг томошабинга мўлжалланган "Пахтакор" ўз бағрига мухлисларни сиғдиролмай қолса. Шоядки, терма жамоамиз чиройли, шиддатли ўйин намойиш этиб, ғалаба қозонса...

Элбек ЖУМАНОВ, "Hurriyat" мухбири.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Ҳароратингиз неча экан?
— 4:0

Абдирасул ҲАКИМОВ чизган сурат.

СПОРТ

ТЕРМИЗДА ДУНЁ АЛПЛАРИ КУРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун Термиз шаҳрида ўтказилган Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича анъанавий IX халқаро кураш турнири якунланди. Мукофот жамғармаси 42 минг АҚШ доллари бўлган ушбу халқаро мусобақанинг биринчи кунида баҳслар 2 та гиламда тўрт вазн тоифасида ўтказилди. Якуний натижаларга кўра, 66, 73, 81 ва 90 кг. вазн тоифасида ғолиблар аниқланди. Жумладан, 66 кг. вазнда Туркия вакили Демирси Омар ғолибликни эгаллаган бўлса, иккинчи ўрин ўзбекистонлик полвон Олим Равшановга насиб этди.

Ҳамюртимиз Бобомурод Рустамовга 81 кг. вазн тоифасида тенг келадигани топилмади. У финалда туркманистонлик Нурали Валкапов устидан ғалаба қозонди. Учинчи ўринни ўзбекистонлик Шароф Холмаматов ва эронлик курашчи Бакшае Мохсен қўлга киритишди. 90 кг. вазндаги полвонлар ўртасида баҳслар ҳам муросасиз кечди. Финалда грузиялик Бодавели Миндиа ва ватандошимиз Абдулла Холиёров ғолиблик учун беллашдилар. Бу гал ҳам учинчи ўрин ўзбекистонлик Шерали Жўраев ва Эрон жамоаси вакили Насир Акбарийга насиб этди.

Мутлақ ғолиблик учун курашда ҳамюртимиз Абдулла Тангриев барча рақибларини ортда қолдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти совринига сазовор бўлди. Кейинги ўринларни бразилиялик Рафаэл да Силва ҳамда польшалик Павел Малаванислар эгаллашди.

ТЎЛИҚ УСТУНЛИК

Лас-Вегас шаҳрида навбатдаги бокс учрашуви бўлиб ўтди. Унда америкалик ўта оғир вазн тоифасидаги йигирма етти ёшли боксчи Крис Арреол ўттиз саккиз ёшли ҳамюрти Жамил Маклайнни нокаутга учратди. Жанг бошидан рақибини ринг бурчагига сиқиб олган Крис Арреол қатта устунликка эришди. Натижада Жамил Маклайн тўртинчи раундга келиб, бир қатор аниқ ҳамда кучли зарбаларни ўтказиб юборди ва йиқилди. У ҳакам ҳисобни тугатгунича ҳам ўзига келолмаганидан кейин учрашув тўхтатилди.

УЧРАШУВ ЖОЙИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличко ва чемпионлик камарига даъвогар бўлган Дэвид Хэя ўртасидаги муштлашув жорий йилнинг 20 июнида «Вельтинс Арена» стадионида бўлиб ўтади, деб хабар тарқатмоқда www.fightnews.com сайти. Германиянинг Гельзенкирхен шаҳридаги мазкур ўйингоҳда «Шальке-04» футбол жамоаси ўз учрашувларини ўтказади. 2001 йилда бунёд этилган ушбу стадион ўз бағрига 65 000 мухлисни сиғдира олади.

Қайд этиш керакки, украиналик ва британиялик боксчилар ўртасидаги ушбу жанг бироз вақт олдинроқ Англиянинг «Челси» футбол клуби ўйингоҳи — «Стэмфорд Бриж»да ўтказилиши режалаштирилган эди.

МАШҲУР СПОРТЧИЛАРНИНГ ТЎЙИ

Яқинда дунёда иккинчи рақамли теннисчи ҳисобланган швейцариялик Рожер Федерер спортчи Мирке Вавринец билан турмуш қурди. Тўй Рожер Федерер туғилган Базел шаҳрида бўлиб ўтди. Никоҳ маросимида келин-куёвнинг



қариндошлари ва энг яқин дўстлари қатнашишди.

Рожер Федерер ва Мирке Вавринец 2000 йилда Сиднейда ўтказилган Олимпиада ўйинларида танишишган эди. Ўшанда улар Швейцария шарафини ҳимоя қилишганди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

Газетанинг навбатдаги сони 2009 йил 29 апрель куни чиқади.

ШАХМАТ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ХАБАРЛАР

Донолик рамзи

Ўрта асрда Францияда шикоятларни кўриб чиқувчи олий суд "Шахмат палатаси" деб аталарди. Арзлар кўриб чиқиладиган зал полига оқ ва қора рангдаги 64 та тош тахтача ётқизилган, президиум аъзолари ўтирадиган стол устига катакли мато ёпилган эди. Тарихчилар палатанинг обрў-эътибори юксак даражада бўлганини таъкидлайдилар. У ўша даврларда донолик ва адолат рамзи ҳисобланган.

Гроссмейстернинг охирги "юриши"

Лондонда чиқадиган "Уорлд" газетасида гроссмейстер Филидорнинг вафот этиши муносабати билан қуйидаги хабар босилди: "Ўтган душанба куни машҳур шахматчи Филидор ўзининг охирги юришини қилди".

Имтиҳондаги синов

Бенедетто Рокконинг 1817 йили Римда нашр этилган "Шахмат ўйини тўғрисида рисола" номли асарида бир қизиқ мисол келтирилади. Унда ёзилишича, Германия, Франция, Италияда дурадгорлар имтиҳондан ўтиш учун албатта шахмат тахтасини ясаб беришлари зарур эди.

Оҳанг билан уйғунлик

Буюк немис композитори Роберт Шуман (1810-1856) музика ва шахматни кўп қиёслаган. 1845 йилда ўзи чиқараётган "Музика" журнали саҳифаларида у шундай ёзганди: "Гарчи катта кучга эга бўлган фарзин ўзида рамзий оҳангни ифода этса-да, ўзаро уйғунликни мужассам қилган қирол барибир асосий ролни ўйнайди".

Биринчи луғат

Биринчи шахмат луғати 1825 йилда Барселонада босиб чиқарилган. Бу Хуан де ля Торре томонидан тузилган "Шахмат маълумотномаси ва атамалар изоҳи"дир. Унда тахтанинг тўла ва айрим катакчалари тасвири келтирилган. Аспнинг бир катакчадан иккинчисига сакраб ўтиши кўрсатилганди.

Анвар ИНОҚОВ тайёрлади.

КАТРА

АШАДДИЙ ИШҚИБОЗЛАР

Болалик чоғларим эди. Уч киши — отам, онам ва мен телевизорда футбол кўраяпмиз. Муносабатларимиз эса турлича. Отам телевизорга жиддий тикилади. Ҳеч жойида ўтиролмайди. Вакилларимизнинг зарбаси ноаниқ кетса, тажанглашиб, юзини чангаллаб қолади. Онам эса бефарқ, ҳар замон "нима бало, отангга бирор нима бўлдими?", — дея пичирлаб қўяди. Мен эса.. мен эса... бир вақтнинг ўзида ҳам онам, ҳам отам, ҳам футболни томоша қиламан.

Шу пайт рақиблар иккинчи голни ҳам киритишди. Отам сўкиниб, пиёлани телевизорга отди...

Ҳаммамиз ачиндик. Онам пиёлага, отам телевизорга, мен эса... мен эса ўйинни охиригача кўролмаганимга...

Жасур БЕК

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.20

® — тижорат белгиси.

Адади: 14050 Буюртма — Г-354 2345678